

Тўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!

Mustaqillik huquq demakdir

Нишони



1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2016-yil 7-iyul, №27 (1016)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф А Р М О Н И

«ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИГА 25 ЙИЛ» ЭСДАЛИК НИШОНИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз истиқлолининг 25 йиллигини кенг нишонлаш муносабати билан ҳамда мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, илмий, маънавий салоҳиятини ва мудофаа қудратини юксалтириш, давлатимиз сарҳадларининг дахлсизлигини таъминлаш, демократик ислохотларни амалга ошириш, жамиятимизда ҳукм сураётган миллатлараро дўстлик ва тотувлик, тинчлик ва барқарорликни асраш, миллий маданиятимиз ва санъатимизни ривожлантириш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, ёшларимизни

ватанпарварлик ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ишларига муносиб ҳисса қўшган юртдошларимизни тақдирлаш мақсадида:

1. "Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил" эсдалик нишони таъсис этилсин.
2. "Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил" эсдалик нишонининг Низоми ва тавсифи 1, 2-иловларга мувофиқ тасдиқлансин.
3. Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамаси (Ш.Мирзиёев) бир ой мuddатда "Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил" эсдалик нишонлари ва уларнинг гувоҳномаларини белгиланган тартибда тайёрлашни таъминласин.

4. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Д.Назармухамедов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2016 йил 1 июль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 1 июлдаги
ПФ-4807-сонли Фармониغا 1-илова

«Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил» эсдалик нишони тўғрисидаги НИЗОМ

1. "Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил" эсдалик нишони билан мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, илмий, маънавий салоҳиятини ва мудофаа қудратини юксалтириш, давлатимиз сарҳадларининг дахлсизлигини таъминлаш, демократик ислохотларни амалга ошириш, жамиятимизда ҳукм сураётган миллатлараро дўстлик ва тотувлик, тинчлик ва барқарорликни асраш, миллий маданиятимиз ва санъатимизни ривожлантириш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, ёшларимизни ватанпарварлик ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ишларига муносиб ҳисса қўшиб келаётган ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизнинг барча соҳалари вақиллари, меҳнат фахрийлари, ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ҳамда бошқа шахслар тақдирланади.

2. "Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил" эсдалик нишони билан Ўзбекистон Республикаси фу-

қароси бўлмаган шахслар ҳам тақдирланиши мумкин.

3. "Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил" эсдалик нишони Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўзи билан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини, вазирлик, идора ва жамоат бирлашмаларининг республика органлари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, шунингдек, бунга вақил қилинган бошқа шахслар томонидан тантанали вазиятда топширилади.

Мукофотланганларга эсдалик нишони билан бирга унинг гувоҳномаси берилади.

4. "Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил" эсдалик нишони кўкракнинг чап томонида давлат мукофотларидан кейин тақилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 1 июлдаги
ПФ-4807-сонли Фармониغا 2-илова

«Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил» эсдалик нишонининг ТАВСИФИ

"Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил" эсдалик нишони 0,25 микрон қалинликдаги олтин билан қопланган мис қотишмасидан тайёрланади ва диаметри 34 миллиметрли доира шаклида бўлади.

Эсдалик нишонининг олд томони марказида қуёш нурлари фонида Мустақиллик майдонига жойлашган Мустақиллик ва эзгулик монументида акс эттирилган Бахтиёр она ҳайкали тасвирланган. Эсдалик нишонининг айланаси бўйлаб зарҳал ҳошия билан ўралган оқ эмалли доирада "O'ZBEKISTON MUSTAQILLIGIGA" сўзлари, пастки қисми марказида эса иккита саккиз қиррали юлдуз оралигида "25 YIL" ёзуви акс этган. Ёзувлар зарҳалланган.

Эсдалик нишонининг орқа томонида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби, пастки қисмининг марказида "2016" ёзуви тасвирланган.

Тасвирлар ва ёзувлар қабарикдор.

Эсдалик нишонининг олд ва орқа томонларининг четлари қабарик доира билан ўралган.

Эсдалик нишони илгакчалар ва ҳалқача ёрдамида тўғри тўртбурчак шаклидаги қадагич билан туташтирилган. Қадагич Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи рангларидаги, эни 20 миллиметрли шойи лента билан қопланган.

Қадагичнинг бўйи — 16 миллиметр, эни — 25 миллиметр.

Қадагичнинг орқа томонида эсдалик нишонини кийимга тақиб қўйиш учун тўғноғич кўринишидаги мослама ўрнатилган.



Ифтихор

Олой бозорининг замонавий қийёфаси

Тошкентнинг Олой деҳқон бозорига нафақат юртдошларимиз, балки хорижлик меҳмонлар ҳам кўп киради. Мустақиллигимизнинг 25 йиллик тўйи арафасида кенг кўламли реконструкция ишлари олиб борилган бозорга кирган киши бугун уни танимай қолиши мумкин.

Умумий майдони 4 гектарни ташкил этадиган бозорга кираверишдаги эски арка олиб ташланиб, атрофи анча кенгайтирилган, кўкаламзорлаштирилган. Янги қийёфа яратишда Шарқ ва Ғарб бинокорлиги аъналаридан кенг фойдаланилган, миллий хунармандликка алоҳида урғу берилган.

Бугун Олой деҳқон бозори пойтахтимизнинг энг кўркем жойларидан бирига айланди. Аввалги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари расталари ўрнига 464 жойдан иборат янги павильон барпо этилди. Янги қурилган 80 метрли савдо мажмуаларида гўшт, тухум, сут ва балиқ маҳсулотлари ҳамда шарқона ширинликлар учун алоҳида жойлар ажратилган.

— Шундай замонавий ва қулай бозор қурилганидан хурсандимиз, — дейди бозорда анча йиллардан бери савдо келаётган Жума Эшнӣёзов. — Буларнинг барчаси мустақиллигимиз шарофати, Юртбошимизнинг халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш борасида кўрсатаётган дўимий ғамхўрлиги самарасидир.

Бозор ҳудуди кўкаламзорлаштирилиб, раста ва павильонлар атрофига 60 мингдан кўпроқ турли гул кўчатлари экилди. Омборхоналар, банк бўлимлари, маиший хизмат кўрсатиш масканлари харидорлар учун қулайлик бўлса, қандолатпазлар ва новвойлар учун ҳам алоҳида жойлар қурилгани бундай маҳсулотларни харидор кўз ўнгиде тайёрлаш имконини бераётир.

— Чак-чак, нишолда ва турли-туман ҳолваларни тайёрлашимиз учун бизга барча шароит яратиб берилган, — дейди кўконлик қандолатчи Элёр Ёқубов. — Олти-та шогирдим кўмағида шу ерда ҳар кун 30 килограммлик қозонда нишолда пишириб, сотаяпмиз. Ҳолваларни мижозлар талабига кўра майизли, ёнғоқли, хурмоли қилиб тайёрлаб бераёпмиз.

Аҳоли турмуш тарзи, маданияти, урф-одатлари ҳақида ҳолис тасаввур, аввало, бозорларда шаклланади. Юртимизда бундай масканларни янада обод қилиш, сотувчи ва харидорларга қулайлик яратиш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. "Тош-бозорсавдо" уюшмаси тизимига 12 та деҳқон бозори, битта қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улғуржи бозори, 2 та итхисослаштирилган бозор, олти та савдо мажмуаси мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси босқичма-босқич замон талабларига мослаштирилаётир.

Оиланинг қўш устуни

Фирибгарликнинг ҳадисини олган Зокир Сувонов ёлгон ишлатиб, даромад кўрмоқчи бўлди. Лекин... У 2011 йил июль ойида Қарши шаҳрида яшовчи Шерзод Равшановга Тошкент шаҳридан 6500 АҚШ долларига 25 куб метр қарағай дарахтининг тайёрланган қурилиш материал олиб келиб беришни ваъда қилади. Бироқ олинган 6500 АҚШ долларининг 4200 долларига ваъда қилган тахталарни олиб келди-ю, қолган пулни эгасига қайтаришни унутди.

Фириб тўри

Шерали САНАЕВ,
Миришкор туман прокурори

Бундан Зокир Сувоновнинг нафси ҳақалак отди. У "Албитекс Люкс" масъулияти чекланган жамияти раҳбари вази фасида ишлаб келиб, ДТ "Халқ банки" Қарши шаҳар филиали ходимлари ва фуқаро Назира Саломовани ҳам чув туширди. 2013 йил ноябрь ойида Н.Саломованинг номига кредит шартномасига асосан уй-жой қурилишини тугаллаш мақсадида йилига 18 фоиз устама тўлаш шарт билан 10 йил муддатга 80 млн. сўм кредит маблағи ажратилишига эришади. Ўз навбатида, катта миқдордаги бу маблағни гўёки қурилиш материаллари етказиб бериш ҳақидаги шартномага биноан ўзининг "Албитекс люкс" МЧЖ ҳисоб-рақамига ўтказиб олади ва жигилдонига уради.

У "фаолиятида" бирор тўсиқча учрамасдан, силлиқина кечаётган ишидан ҳавола-ниб, ҳеч иккиланмасдан ноконуний ишларини давом эттирверди. Қарши туманидаги "Комфорт қурилиш люкс савдо" масъулияти чекланган жамияти раҳбари вази фасида ишлаганида ушбу жамият балансида нархи 36 млн. 700 минг сўмлик савдо дўкони ва оморхона мавжуд бўлмаса-да, туман ҳокимлигига мазкур бинонинг мавжудлиги тўғрисида сохта маълумотлар тақдим этади. Ва ушбу сохта маълумотлар асосида 2013 йил 22 майда улгуржи савдо фаолиятини амалга ошириш учун рухсат берувчи лицензияни қўлга киритади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги "Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори талабларига зид равишда мазкур даврда жамият томонидан жами 2 млрд. 614 млн. сўмлик харид ва кириш ҳужжатлари бўлмаган қурилиш ва бошқа материалларни жамият ҳисобидан реализация қилади. Тушган пулларнинг барчасини жамиятга алоқадор бўлмаган ҳолатлар бўйича бошқа ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоб рақамига ўтказиб, нақдлаштириб, савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини бузади.

З.Сувонов мазкур даврда "Комфорт қурилиш люкс савдо" масъулияти чекланган жамиятида 2015 йилнинг 1 апрель ҳолатида юзага келган 979 млн. 654 минг сўмлик муддати ўтган дебитор қарздорликни ундириш чораларини кўрмаганиги оқибатида жамият ва давлат манфаатларига кўп миқдорда зарар етказилишига ҳам сабабчи бўлади.

Бундан ташқари, З.Сувонов "Отамуродов Сирожиiddин Шарипович" кўп тармоқли савдо-ишлаб чиқариш корхонаси бошлиғи вази фасида ҳам ишлаб, 2014 йил январь ойидан 2015 йил июль ойига қадар корхонанинг 580 млн. 835 минг сўмлик даромадини ҳисоботларда кўрсатмай, жами 39 млн. 205 минг сўмлик кўп миқдордаги солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан буйин товланган. Шунингдек, шу даврда корхонага кириб қилинган 45 млн. 203 минг сўмлик цемент хомашёсини чиқим ҳужжатисиз нақд пулга сотиб юбориб, савдо ва хизмат кўрсатишга доир бошқа ҳуқуқбузарликларни ҳам содир этган.

Жиноят ишлари бўйича Миришкор туман суди томонидан З.Сувоновга мазкур қилмишлари учун тегишли жазо тайинланди.

Истиқлол йиллари мамлакатимизда фарзандларимизни, аниққаса, ўсиб келадиган ёш авлодни баркамол этиб тарбиялаш, уларнинг ҳаётида ўз ўрнини топишида кўмаклашиш, бу борда аввало оила мустаҳкамлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди, соҳага доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Президентимиз Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида она шундай муҳим масалага тўхталиб, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш борасидаги ишларни янада юқори босқичга кўтариш мақсадида 2016 йилни юртимизда "Соғлом она ва бола йили" деб эълон қилди. Шунингдек, Юртбошимиз ушбу тантанали маросимдаги маърузасида "Қиз болаларни коллежни битирмасдан, ҳунар эгалламасдан туриб, кимки турмушга берса, билиб қўйинлар, узоқни кўра билмаслик, калтабинлик, деб ҳисобланади. Қиз бола аввало, касб эгалласин, ўз фикрига эга бўлсин, ҳаётни англанди. Эртага у қурадиган оила ҳам мустаҳкам бўлади", — дея таъкидлаган эди.

Шундай бўлса-да, айрим ота-она-

лар никоҳ ёшига етмаган қизларини турмушга узатишмоқда. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш борасида, яъни оила дея аталмиш жамият пойдеворини яратишда иштирок этувчиларнинг масъулиятини ошириш мақсадида никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ва Жиноят кодекслари янги моддалар билан тўлдирилди.

Туманимиз мисолида айтадиган бўлсак, ходимларимиз жойларда бўлиб, туман ички ишлар бўлими, хотин-қизлар кўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда қатор учрашувлар, суҳбатлар ташкил қилишмоқда. Эрта никоҳнинг салбий оқибатлари тўғрисида тушуниришлар берилмоқда. Шундай бўлса-да, жорий йилда 1 та

Янгибой БАБАДЖАНОВ,
Қўнғирот туман прокурори

ҳолатда эрта никоҳ аниқланди. Фуқаро Дилшод Собиров (исм-фамилиялар ўзгартирилган) 2016 йил 31 январь кун 2000 йилда туғилган, коллежнинг 1-курс ўқувчиси Жамила Наимова билан шаръий никоҳ орқали турмуш қурган.

Ушбу ҳолат бўйича фуқаро Д.Собиров, унинг онаси ҳамда Ж.Наимова-нинг онаси маъмурий жавобгарликка тортилди.

Ёш турмуш қуриш ва эрта она бўлиш аёл саломатлигига жиддий ҳавф солиши аниқ. Шунингдек, ёш келинчакнинг бир муҳитдан иккинчисига кўникиши ўта мураккаб жараён. Шундай пайтда унинг организмиде физиологик, руҳиятида эмоционал-психологик ўзгаришлар юз беради.

Оила — муқаддас қўрғон. Эр унинг бир устуни бўлса, хотин яна бир устуни. Оиланинг мустаҳкам бўлиши уларнинг соғлигига, дунёқарошига бағлиқ. Буни унутмайлик.

Қилмиши қош этилди

Комилжон ЯКУБОВ,
Олмазор туман прокурорининг ёрдамчиси

Ишон ҳар қандай жиноятга қўл уришиндан аввал, виждон чегарасини бузиб ўтмади. Аммо бу чегарани бузганларга жазо муқаррарлигини унутиб қўяётганликлари ачинарли хол.

Фуқаро Қобул Йўлдошев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) Олмазор туманидаги ўзи яшаётган уйда бангхона ташкил қилади. 2015 йил 4 март кун унинг хонадонига гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилиш учун Шароф ва Мурод исмли танишлари келади. Уша кун И Қобул танишлари олиб келган кўкнори ўсимлигининг уруғларидан кимёвий ишлов бериш орқали гиёҳвандлик воситасини тайёрлайди. Бироқ бу кимсаларга уни истеъмол қилиш насиб қилмади. Улар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан воқеа жойида қўлга олинди.

Суд-кимёвий экспертизасининг ҳулосасига кўра, Қобул Йўлдошевнинг хонадониде тайёрланган модда опий гуруҳига мансуб гиёҳвандлик воситаси эканлиги, унинг оғирлиги 2,7 граммга тенглиги аниқланди.

Мазкур ҳолат бўйича жиноят ишлари бўйича Олмазор туман суди айбланувчиларга нисбатан ўз ҳукмини эълон қилди.

Иффат, ибб, шарм каби сўзларнинг ўзга тилларда ҳеч қандай ифодаси йўқ экан. Аммо улар бизнинг халқимиз учун жуذا қадри туйғулار ҳисобланади.

Гулзор ҳуснидаги ДОҒ

Ваҳобжон ФАЙЗИЕВ,
Бухоро транспорт прокурорининг ўринбосари

Ханифа Тожбоева (исм-фамилиялар ўзгартирилган) бир оиланинг бекаси, икки нафар гудек фарзанднинг онаси эди. Афсуски, у биз юқориде айтганимиз — шарм-ҳаё, ибони унутди. У Муборак исми аёл билан танишиб қолди. Тўғрироғи, "кўр кўрни қоронғуда топди". Узро суҳбатдан кейин кўп ўтмай, бир неча нафар қизлар билан Ханифа Дубай шаҳрига учиб кетди. Ярим йил давомида аёллик латофати, нафосату гўзаллигига қўшиб, шаъни, ор-номусини ҳам фаҳш йўлида пуллади. Аммо бу пуллар уни "тўкин" ҳаётга эришувида қўллаб-қувватлаган Муборакка тортиқ этилди. Озгина пул билан Ўзбекистонга қайтиб келган Ханифа орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, яна бегона юртни, енгил-елпи ҳаётни кўмсаб қолди. Шундай қулларнинг бирида дугонасининг "Дубайда бориб ишлашга рози бўладиган қизлардан топсанг, мўмай даромад ўзи оқиб келади", деган таклифига Ханифа дарҳол кўнди.

"Ҳар бир қиз учун 1000 АҚШ доллар-я!". Айни шу ўй уни "енг шимариб", ишга киришишга ундади. Аммо биринчи "партия" — Тамила ва Меҳригул Қозоғистондан орта қайтишди.

Шундай бўлса-да, 2014 йилнинг октябрь ойида фуқаро Наима Мавловани қонунга хилоф тарзда Қозоғистон орқали Дубайга чиқариб юборган Ханифа ҳар ой 500 АҚШ долларидан хизмат ҳақини қўтиб юраверди. Хорижда Наимани қўтиб олган Муборак эса кўплаб қизлар қатори уни ҳам фаҳш ишларга мажбур қилиб, 5-6 ой ичида ундан 17 минг АҚШ долларини санаб олади. У даромад манбаи ҳисобланган бу қизнинг охузорларига, ялғини-ёлвориларига қулоқ тутмади. Паспортини сўраса, ишлаб толган пули 30 минг АҚШ доллар бўлсагина беришини айтиб, гапни қисқа қилди.

Шундагина Наима хато қилганини тушуниб етди. Кеч бўлса-да, қўзлари очилди. Узини Дубай мамлакатининг полициясига топширди. Шу йўл билан Ўзбекистонга қайтди ва тегишли жойга ариза билан муурожаат қилди.

Ушбу ҳолат бўйича айбдорларга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, суд томонидан тегишли жазо тайинланди.

Миллиардларни ўзлаштириш

Бахтиёр Рустамов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) "Хоразм maxsulot ulgurji savdo" масъулияти чекланган жамиятининг раҳбарлик курсисига ўтиргунча бир неча бор суланган эди. Эҳти-мол, шу сабаб МЧЖнинг норасмий раҳбари Нозим Тўраев жамият бошқарувига айнан ўтмиши "тоза" бўлмаган шахсни "муносиб" қўрганми. Боиси, улар кейинчалик ҳамкорликда бир неча қинғирликларни амалга оширишни режалаштиришган бўлишлари табиий.

Б.Рустамов ҳамда МЧЖнинг норасмий раҳбари Н.Тўраев билан "Кизилқумцемент" очик акциядорлик жамиятининг (ОАЖ) мансабдор шахслари уюшган гуруҳга бирлашиб, моддий манфаатдорлик эвазига ўзганин кўп миқдордаги мулкни талон-торож қилиш ва мансаб сохтакорлиги жиноятларига қўл уради.

Жумладан, турли хилдаги товар-моддий бойликлар олди-бердиси бўйича "Хоразм maxsulot ulgurji

savdo" масъулияти чекланган жамияти ва "Кизилқумцемент" очик акциядорлик жамияти ўртасида бир қанча шартномалар тузилиб, олдиндан 100 фоизлик тўлов сифатида ОАЖ ҳисоб рақамидан МЧЖ ҳисобига 2 млрд. 689 млн. сўмдан ортиқроқ пул маблағлари келиб тушади. Бу пуллар турли йўллар билан нақдлаштирилиб, унинг 2 млрд. 151 млн. сўмдан қимёдроғи келишинг бўйича "Кизилқумцемент" ОАЖнинг мансабдор шахсларига етказилди.

Дилшод ХАЗРАТКУЛОВ,
СВОЖДЛКК департаментининг
Юнусобод туман бўлими катта
суриштирувчиси

Қолган 537 млн. 852 минг сўмини эса ушбу кимсалар ўзаро тақсимлаб оладилар.

Галдаги вази фа қилмишларини қонун назаридан яшириш учун ҳужжатларни "текислаб" қўйиш керак эди. Бу борда ҳам ҳеч иккиланмай ОАЖга 1 млрд. 856 млн. 436 минг сўмлик товар-моддий бойликлар етказиб берилганлиги тўғрисидаги ҳисоб-фактураларга сохта маълумотлар киритиб, жиноят изини йўқотмоқчи бўлишди. Бироқ бу кимсаларнинг найранги ўтмади.

Жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман судининг ҳукми билан айбдорларга нисбатан тегишли жазо тайинланди.

Фаолият эркинлиги — тараққиёт бешиги

Мамлакатимиз мустақиллигининг тобора яқинлашиб келаётган йигирма беш йиллик байрами юртошларимиз кўнглига чексиз қувончу шодлик, гурур ва ифтихор бахш этаётир. Негаки, чорак аср давомида эришган ютуқ ҳамда марраларимизнинг кўлами кенг, салмоғи бекий. Бу даврда амалга оширилган улкан ўзгариш ва янгилашлар ҳаётимизга файзу барака олиб кирди. Кўплаб эзгу орзу-мақсадларимиз рўёбга чиқмоқда. Муҳими, янгича яшاشни, янгича тафаккур қилишни ўрганиш. Тинчлик, фаровонлик, истиқлол қадр-қимматини янада теранроқ англаб етдик.

Бугун қай бир соҳа, қай бир жабҳада бўлмасин, юқори ўсиш сурьатлари кўзга ташланади. Иқтисодий салоҳиятимиз мустақамланиши билан ижтимоий соҳадаги кўплаб масалалар ечимига йўл очилмоқда. Пировардида, аҳоли реал даромадлари йилдан-йилга кўпайиб, ҳеч қимдан кам бўлмаган муносиб турмуш кечиришимиз учун барча шарт-шароит ҳамда имкониятлар муҳайё этилаётти. Буларнинг ҳаммаси юртимизда узокни қўзлаб олиб борилаётган оқилона сиёсат мевасидир.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантиришда, энг аввало, уларнинг ҳуқуқлари кафолатларини яратиш, ҳуқуқий мақоми тақомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Утган йиллар давомида юртимизда бу борда кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Хусусан, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Хусусий корхона тўғрисида"ги Қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантиришга, иқтисодиётда хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан оширишга қара-

тилган фармонлари, ҳукумат қарорлари ва бошқа норматив ақтлар муҳим ҳуқуқий асос вазифасини бажармоқда.

Уйчи туманида ҳам бугунги кунда 1962 та хўжалик юритувчи субъект давлат рўйхатидан ўтган бўлиб, шундан 1684 тасини кичик бизнес субъектлари ташкил этади. Шуларнинг тўққизтаси йирик, 269 таси бошқа турдаги корхоналардир.

Қайд этиш жоиз, туман прокуратураси ташаббуси билан хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида улар билан мунтазам учрашувлар ўтказилмоқда. Тадбиркорлик субъектлари фаоллари билан бир қаторда ҳозирда иш юритмаётган субъектлар ходимларининг иштироки таъминланаётган мазкур учрашувлардан қўзланган мақсад тумандаги тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш, аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашдан иборатдир. Шунингдек, учрашувларда тадбиркорлик оид фармон ва қарорлар, қонунларга қиритилган ўзгаришлар юзасидан тushunchalar бериш алоҳида ўрин тутди.

Бундан ташқари, ташкил этилаётган тадбирлар фаолияти тўхтаб қолган хўжалик

юритувчи субъектлар ҳолатларини ўрганиш ва таҳлил этишда муҳим жараён бўлиб, улар фаолиятини қайта тиклаш учун лозим бўлган (молиявий, ҳуқуқий) жиҳатларнинг қонуний асосда таъминланишига асосий эътибор қаратилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, туман прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ва 2015 йил 28 сентябрдаги "Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижроси алоҳида назоратга олинган.

Олиб борилаётган назорат тадбирларида аниқланган камчиликларга ўз вақтида барҳам бериш, тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланишини таъминлаш энг устувор вазифадир. Шу маънода, банк томонидан яқна тартибдаги икки нафар тадбиркорга 65 миллион сўм, бир нафар фермер хўжалигига насли фармоли сўм, учта хусусий корхонага ишлаб чиқаришни ташкил қилиш учун 500 миллион сўм кредит маблағлари ажратилишига эришилди. Шунингдек, олти нафар коллеж битирувчиси ҳам ўз бизнесини йўлга қўйиши учун 31,5 миллион сўм кредит билан таъминланди. Қолаверса, Ёрқўрган ҚФЙ, Муборак МФЙ худу-

дадаги "Абдурахмон ота Умрзаков" фермер хўжалигига "Футбол майдончаси, кийиниш ва ювениш хоналари ҳамда болалар спорт майдончаси" бино ва иншоотларини қуриш учун туман ҳокимининг қарори билан 0,12 гектар ер майдони ажратиб берилди.

Туман ҳокимлиги ҳузурдаги "Ягона дарча" марказига келиб тушаётган муносабатларнинг ўз вақтида қўриб чиқилиши, уларнинг ижобий ҳал этилиши фуқаролар учун катта қулайликдир. Аммо ўз ишига совуққонлик билан қараб, фуқаролар муносабатларига берилмаётган қўриқларнинг учраши ачинарли. Прокуратура назорати жараёнида марказнинг масъул ходимлари томонидан ўзларига юклатилган вазифаларни лозим даражада бажармаслик, аризаларни белгиланган муддатларда ҳал қилмаслик, давлат рўйхатидан ўтказиш учун нотўғри ҳужжатлар юритиш, рўйхатдан ўтказилган тадбиркорлик субъектларига берилиши лозим бўлган ҳулосаларни тузмаслик каби бир қатор қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди.

Жумладан, етти ҳолатда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишда марказ мутахассислари томонидан расмиётчилик учун ҳулоса тузилиб, имзосиз тикиб қўйлаверган. Бу эса Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги "Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан тақомиллаштириш тўғрисида"ги Қарори билан тасдиқланган Низом талабларининг бузилишига олиб келган.

Текшириш давомида бир

Қодир АСКАРОВ,
Уйчи туман прокурори

нечта муносабатнинг ўз вақтида қўриб чиқилиши ҳамда етти та тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳулосаларининг тузилиши таъминланди. Аниқланган қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш тўғрисида туман ҳокими номига тақдимнома киритилиб, ўз қизмат вазифасини лозим даражада бажармаган "Ягона дарча" марказининг уч нафар ходими интизомий, марказ директори маъмурий жавобгарликка тортилди.

Ҳулоса ўрнида айтиш жоизки, ҳар бир мутасадди идора ўз ишига масъулият билан ёндашиши зарур. Зеро, жамиятдаги юксалиш жараёнида тадбиркорликнинг ўрни муҳим экан, бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, тадбиркорликнинг турли ташкилий-ҳуқуқий шаклларига ёшларни жалб этиш, оилавий тадбиркорликни хусусий бизнеснинг алоҳида шакли сифатида ривожлантириш, таълим муассасалари битирувчиларининг, ёшларнинг кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятида иштирок этишини таъминлаш баробарида, уларга имтиёз ва преференциялар бериш механизмларини тақомиллаштириш лозим. Фаолиятни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишни тақомиллаштиришда эса, ҳуқуқнинг ролинини ошириш, хўжалик фаолиятини, шартнома муносабатларини тартибга солишининг самарадорлигини юксалтириш даркор. Бу тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилишнинг энг муҳим гаровидир.

Замонавий технологияларнинг афзалликлари

Бугун мамлакатимизда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши кураш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасида яратилган самарали тизим тобора тақомиллаштирилиб борилаётган. Айниқса, тезкор-тергов амалиётида жорий этилган технологиялар, замонавий ускуналар жиноятчиликка қарши курашда тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ишон ҳаётига қарши қаратилган жиноят энг оғир жиноят саналади. Булар аксарият аён бўлган ҳолатларда, турли яширин ускуналарни қўллаган ҳолда содир этилади. Бу ҳолатлар эса терговчилардан нафақат зарур билим ва кўникмаларга эга бўлишни, балки жиноятни фож этишда ва уни исботловчи асосли далилларни топишда криминалистика анжомлари ва замонавий технологиялардан фойдалана олишни талаб қилади.

Самарқанд вилоятида мамлакатимизда биринчи бор видеокузатувнинг марказлашган тизими жорий қилиниб, хориждан камера ва симсиз радиотўлқин узаткичлар олиб келиниб, объектларга ўрнатилди.

Замонавий сервер билан жиҳозланган видеокузатув маркази Самарқанд шаҳар ички ишлар бошқармаси худудида алоҳида бинога жойлаштирилди. Камералар мониторинг орқали 10 нафар ходим томонидан смена асосида кузатиб борилаётган.

Объектларда олинган тасвирлар базаси электрон ва диск шаклидаги архивда сақланади. Ушбу маълумотдан терговчилар исталган пайтда фойдаланишлари мумкин.

Бугунги кунда кузатув камералари Самарқанд шаҳрининг темир йўл вок-

зали, "Самарқанд" халқаро аэропорти, автошоҳабкатлар, бозорлар, тарихий обидалар (Регистон майдони, Улугбек расадхонаси, Шоҳи Зинда мажмуаси, Амир Темур, Имом Бухорий ва бошқа худудлар)га ўрнатилди. Видеокузатув ёрдамида 2016 йилнинг ўтган даврида 189 та жиноят ва қонунга зид ҳодисалар, шу жумладан, 2 та қотиллик, 2 та босқинчилик, 15 та ўғирлик фож этилди.

Мисол учун, жорий йилнинг 23 март куни Самарқанд шаҳрида яшовчи Александр Мартиросов ва унинг таниши Альбина Скадинованинг жасадлари қотиллик аломатлари билан топилган эди. Ушбу қотилликни фож этишда ҳам видеокузатув имкониятларидан кенг фойдаланилди.

Ҳолат бўйича Фитрат қўчаси 65-уйда жойлашган шифохона биносига ўрнатилган видеокузатув мосламасининг хотираси ўрганилганда, ўша куни А.Мартиросовнинг хонадонини томонга номаълум аёл кишининг ўтгани ва тунги соат бирларда қўлида пакет кўтарган ҳолда ортига қайтгани қайд этилган.

Тергов жараёнида ушбу аёл фуқаро Манзура Бекбоева эканлиги, у 21 март куни таниши А.Мартиросовнинг хонадонига келиб, улар билан бирга спиртли ичимлик истеъмол қилгани,

икки аёл ўртасида ўзаро жанжал чиқиб, Манзура ошхона пичоғи билан А.Скадинованинг бери неча мартаба ургани, сўнгра ошхонада бўлган А.Мартиросовни ҳам пичоқлаб, ҳодиса жойидан аширингани аниқланди.

Яна бир бир мисол. Булунгур тумани худудидан ўтувчи йўлда фуқаро А.Раҳимов (исм-фамилиялар ўзгартрилган)га тегишли "Lassetti" русумли автомашина юқонаси ва орқа ўриндида қон доғлари билан топилган эди. Мазкур ҳодиса бўйича видеокузатув мосламалари кўздан кечирилганда, А.Раҳимов ўзининг автомашинасида шахарга соат 17:02 да кириб келгани ва Жомбой тумани йўналиши бўйича соат 17:29 да чиқиб кетганлиги қайд этилган. "Мирзо Улугбек" автошоҳабкатида ўрнатилган видеокузатув мосламасида эса А.Раҳимов номаълум "Nexia" автомашина ҳайдовчиси ва йўловчиси билан бир неча дақиқа суҳбатлашиб, сўнг ўзларининг автомашиналарида бир йўналишда жўнаб кетганликлари тасвирга тушган. Терговда "Nexia" автомашинаси фуқаро М.Муродовга тегишли эканлиги, воқеа содир бўлган кун М.Муродов фуқаро К.Куллиев билан бирга бўлгани маълум бўлди. Инкор қилиб бўлмас далиллар воситасида сўроқ қилинган бу икки кимса фуқаро А.Раҳимовни қасддан ўлдирганликларини тан олиб, қотиллик содир этилган жой ҳақида батафсил кўрсатма беришди. Воқеа жойи кўздан кечирилганда А.Раҳимовнинг мурдаси қотиллик аломатлари билан топилди.

Шу билан бирга, жиноятларни фож этиш ва хавфсизлигини таъминлашда


Фарход ШЕРИЙГИТОВ,

Самарқанд вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

қулай имкониятлар яратган автоматлаштирилган кузатув тизими бир қатор афзалликларга эга. Хусусан, қидирувда бўлган жиноятчи, транспорт воситаси вилоят худудига кирган вақтда кузатув тизими ушбу ҳолат ҳақида хабар беради. Бундан ташқари, келгусида кузатув тизимига қўшимча ускуна ва жиҳозлар олиб келиниб, 40 та объектда кузатув тизимини йўлга қўйиш режалаштирилган.

Видеокузатув тизимини ўрнатишнинг биринчи босқинида давлат объектилари, тарихий обидалар ва жамоат жойлари танлаб олинган бўлса, унинг афзаллиги жамоатчиликка етиб борган тадбиркорлар, тижорат банклари ва савдо шохобчаларидан ўз маблағлари ҳисобига ҳам мазкур тизимга ихтиёрини равишда қўйиш бўйича буюртмалар келиб тушмоқда. Бугунги кунда фаолият кўрсатаётган серверга 50 та объектда 400 дан ортик кузатув камералари ўрнатиш имконияти мавжуд.

Ҳулоса ўрнида айтиш лозимки, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар жараёнида тараққий этган технологияларнинг жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, фож этиш ва жазонинг муқаррарлигини таъминлаш борасида қўллаш юртимизда қарор топган барқарор ижтимоий-сиёсий вазият, тинч-осойишта ҳаётимизни янада мустақамлашга хизмат қилади.



Эътибор ва рағбат

Мамлакатимизда истиқлолнинг илк кунлариданоқ давлатимиз раҳбари томонидан қишлоқ хўжалиги соҳасида белгилаб берилган йўналишлар, айниқса, бозор муносабатлари талабларига мос равишда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ҳамда таркибий ўзгартиришларни амалга ошириш — қанчаллик самарадор тараққиёт йўли эканини бугун соҳада эришадиган натижаларимиз кўрсатиб турибди.

Бинобарин, бу борадаги ислохотлар аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига нисбатан талабни қондириш, халқимизнинг турмуш даражасини ошириш, бозорларимизда нарх-наво барқарорлигини сақлашдек муҳим ижтимоий масалаларни ҳал этиш имконини бермоқда. Таъкидлаш жоизки, ўтган тарихан қисқа даврда озиқ-овқат маҳсулотларининг четдан олиб келинишига барҳам беришга эришилди. Шунингдек, 2015 йилда мамлакатимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО)га аъзо давлатларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришгани учун берилдиган мукофотга сазовор бўлган 14 та давлатдан бири сифатида эътироф этилди. Қисқача айтганда, мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланган мустақил давлат даражасида ўзини намойён эта олди.

Албатта, қўлга киритган натижаларимиз жаҳон бозорининг бугунги мураккаб талаблари шароитида республикамизнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти салоҳиятини кенгайтиришга пухта замин яратмоқда. Zero, Президентимиз мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида 2020 йилда бошоқли дон, картошка, сабзавот, мева ва узум етиштиришни ошириш кўзда тутилгани ҳамда бу, ўз навбатида, шу турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмининг сезиларли даражада орттиришга олиб келишини таъкидлаган эди.

Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг яқинда эълон қилинган "Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори кўрсатиб

да тутилган вазибаларни амалга оширишни мантқан янги босқичга олиб чиқади.

Қарорда мамлакатимиздаги қайта ишлаш корхоналарини хомашё ресурслари билан мунтазам таъминлаш, ички истеъмол бозорини йил мобайнида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан тўлдириш, шунингдек, ташқи бозорда харидорлар ҳамда рақобатдош бўлган ҳўл мева ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмини кўпайтириш учун уларни етиштириш, ишлаб чиқариш ҳамда харид қилиш бўйича ягона тизимни шакллантириш назарда тутилган.

Бу фермер ва деҳқонларимизнинг ички истеъмол бозоридан ортган қишлоқ хўжалиги ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларини тизимли равишда жаҳон бозорига чиқариш имконини оширади.

Қарорда белгиланганидек, 2019 йилнинг 1 январига чад мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узумни қайта ишлайдиган хусусий мулк шаклидаги корхоналар, идоравий мансублигидан қатъи назар, замонавий ускуна ҳамда технологиялар олиб киришда божхона тўловидан ва бир қатор солиқлардан озод этилмоқда. Бу каби имтиёзларнинг берилиши мазкур субъектларнинг бўш маблағлари ҳисобидан ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш ҳамда модернизациялаш, маҳсулот тайёрлаш ҳажминини ошириш, қўшимча иш ўринлари яратишга хизмат қилади.

Наманган вилоят прокуратураси органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 12 майдаги "2016 йил бошоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлашга ҳам эътибор қаратилмоқда.

Айни кунларда 3218 та фермер хўжалигининг 79000 гектар майдонида ўрим ишлари олиб борилмоқда. Галла ўрими йиғимини ўз муддатида ва сифатли ўлкаши мақсадида 225 та ўрим отрядлари ташкил

Мухаммадихон Жўраев,
Наманган вилоят прокуратураси
булим бошлиғи

этилган.

Галла ўримида қатнашаётган операторларга иш ҳақлари ўз вақтида бериб берилиши ҳам прокуратура органлари томонидан назоратга олиниб, уларга 200 миллион сўмдан ортққ аванс пуллари берилди.

Бирок мазкур йўналишда олиб борилаётган ишлар мониторинг қилинганда, ижобий ишлар билан бирга бир қатор қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўйилгани аниқланди.

Хусусан, Мингбулок туманида ҳар бир худуднинг шароити, галланинг пишиш муддатлари, даланнинг ўт босганиги ҳолатидан келиб чиқиб, ўрим графиги ишлаб чиқилмагани, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари миқдори ҳисоб-китоб қилинмагани аниқланиб, ушбу камчиликлар бартараф этилди.

Дон қабул қилиш корхоналарининг мавсумга тайёргарлиги ўрганилганида, айрим жойларда тайёргарлик ёнгин хавфсизлиги қоидалари талаблари асосида ташкил этилмагани аниқланди. Масалан, "Попдонмаҳсулотлари" АЖда мавхўд ёнгиндан дарак бериувчи автомат мосламалар шай ҳолатга келтирилмаган. Биноларнинг томидаги ёғоч қурилмаларга ёнгинга қарши кимёвий сувоқлик билан ишлов берилмаган, жамият худудига бир вақтнинг ўзида кириб келадиган транспортларнинг сонидан келиб чиққан ҳолда учқун сўндиргичлар захираси яратилмаган.

Бу каби қонун бузилиши ҳолатларига жамиятнинг Чуст дон қабул қилиш шохобчаси, "Наманганмаҳсулотлари" АЖ ва унинг Чортоқ уруғлик дон қабул қилиш шохобчаси, Янгиқўрғон туманидаги Искот, Тўрақўрғондаги Есин, Чортоқдаги Ласкидон дон қабул қилиш шохобчалари, "Учқўрғондонмаҳсулотлари" АЖ ва унинг Ҳаққулбод дон қабул қилиш шохобчасида ҳам йўл қўйилганлиги аниқланиб, прокуратура органлари томонидан бартараф этилиши таъминланди.

Прокуратура органлари томонидан тегишли мутасадди ташкилотлар ҳамда мазкур соҳага масъул этил таъинланган мансабдор шахслар келгусида қонун бузилишига йўл қўймаслик ҳақида расман огоҳлантирилди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси худудидан табиий атроф муҳитни муҳофаза қилиш, уни соғломлаштириш юзасидан бир қатор қонунлар ҳамда қонуности ҳужжатлар қабул қилинди.

Табиий захиралар давлат муҳофазасида

Она табиатнинг ажралмас қисми саналган ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг вазибалари ҳайвонот дунёсининг яшаш шароитларини таъминлаш, уларнинг хилма-хил турларини ҳамда табиий галалари бутлигини ва яшаш муҳитини сақлаш, муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш, уни тиклаш ва такор етиштириш соҳасидаги мансабатларни тартибга солишдан иборатдир.

Экология соҳасида қонунчиликни мустаҳкамлаш бора-бора Орол табиати муҳофазасида қилиш прокуратураси томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан текширишлар ўтказилди. Текширишлар натижалари бўйича қонун бузилишига йўл қўйган идоралар раҳбарлари номига 3 та тақдирнома киритилди, қонунга зид ҳужжатларни бекор қилиш ва қонунга мувофиқлаштириш тўғрисида 26 та протест келтирилди. Прокуратуранинг қарор ва тақдирномаларига асосан 19 нафар ҳодим интизомий, 12 нафар ҳодим маъмурий жавобгарликка тортилди. Текширишлар давомида етказилган 5,3 млн. сўмлик зарарлар жавобгар шахслардан ихтиёрий қопланиши таъминланди. Фуқаролик ишлари бўйича судларга 51,2 млн. сўмлик 5 та давво аризалари киритилиб, судлар томонидан тўлиқ қаноатлантирилди. Қўпол қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан 4 та жиноят иши қўзатилиб, аниқланган 35,6 млн. сўмлик зарарлар ундирилишига эришилди.

Шу билан бирга, экологик назорат объектларида аниқланган ҳуқуқбузарликлар бўйича 130 млн. сўмлик жарималар ва 56,5 млн. сўмлик табиатга етказилган зарарлар ҳуқуқбузарлардан ундирилди. Республикада ҳар йили табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг буйруғига асосан балиқчиларнинг кўпайиш фаслида, яъни 25 апрелдан 10 июнь кунлари оралиғида қўлларда ва бошқа сув манбаларида балиқ овлаш ман қилинади ва бу ҳақда оммавий ахборот воситалари орқали кенг омма доимий равишда хабардор қилиб борилади.


Лекин, шунга қарамадан балиқ тутишни ўзларига касб қилиб олган айрим қонунбузар шахслар оралиғида учраб турибди.

Хусусан, фуқаро Е.Абдикайров ва унинг икки нафар ҳамтовоқлари ўзаро жиноий тил бириктириб, балиқ овлаш ман қилинган муддатда Тахтақўпир тумани худудига 97 дон "са-

Мухаммадали БАБАТАЕВ,
Орол табиати муҳофазасида қилиш
прокурори

зан" балиқларини ноқонуний равишда овлаган пайтида қўлга тушди. Аниқланишича, улар ҳайвонот дунёсига 23 млн. сўмлик зарар етказишган. Мазкур ҳолат юзасидан Орол табиати муҳофазасида қилиш прокуратураси томонидан тегишли тартибда жиноят иши қўзғатилиб, табиатга етказилган зарар айбдорлардан тўлиқ ундирилиб, суд ҳқмига асосан уларга қонуний жазо тайинланди.

Маълумки, Оролбўйида балиқчиликни ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йилнинг 6 майида "Қорақалпоғистон Республикасида балиқчилик тармоғини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга асосан Мўйноқ туман ҳокимлиги ҳузурда "Мўйноқ аква санат" давлат унитар корхонаси ташкил этилиб, ҳажми 39 минг 280 гектардан иборат 3 та қатта сув ҳавзаларида балиқчиликни ривожлантириш кўзда тутилди. Ушбу сув ҳавзаларида қафас усулда балиқ етиштириш технологияларини яраттиш ва жорий этиш ишлари олиб борилмоқда.



Шунингдек, келгусида ушбу сув ҳавзаларини янада ривожлантириш мақсадида "Ипотeka-банк" АТИБ кредитлари ҳисобига жорий йилда балиқ питомниклари ва инкубация цехлари ташкил этилиши белгиланган.

Бу, албатта, тумандаги табиий сув ҳавзаларида балиқ маҳсулдорлигини ошириш, янги иш ўринлари яратиш ва энг асосийси, аҳолини юқори сифатли балиқ маҳсулотлари билан таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

Табиий захиралар умуммиллий бойлиқлар ва орол давлат муҳофазасидадир. Конституциямизда фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбур эканлиги белгиланган.

Она табиатимизни қўз қорачиғидек асраш, табиий бойлиқларимиздан оқилона фойдаланиш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Шундангина она табиатимиз билан бирга ўзимиз, келажак авлоднинг соғлом ўсиб улғайиши учун зарур бўлган соф, мусоффо муҳитнинг сақланишига эришган бўлаемиз.

Дастлабки тергов сифати ва самарадорлигини ошириш йўлида

Хуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолияти самарадорлигини ошириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаиб, бу борада асосий эътибор инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда ҳимоясини таъминлашга қаратилган.

Шуни қайд этиш лозимки, жиноятчиликка қарши курашда дастлабки тергов органлари муҳим ўрин тутади. Тергов ишларининг юқори даражада ташкил этилиши ва амалга оширилиши жиноятчиликнинг олдини олишнинг энг самарали шаклидир. Чунки, жиноят содир этган шахснинг тезда фош этилмаслиги жамоат тартиби ва жамоатчилик хавфсизлигига жиддий зиён етказиши мумкин. Дастлабки тергов олдида турган вазифалардан энг асосийси жиноятни тез ва тўла очибди. Бу вазифа Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 2-моддасида тўғридан-тўғри кўрсатилган бўлиб, уни бажариш дастлабки тергов органларига юклатилган. Иш кўзга тушиб талаб этакдиган жиноят содир этилиш фактлари юзасидан дастлабки тергов ўтказишнинг қондаларига риоя этган ҳолда дарҳол ишга киришиш, терговни дарҳол излар йўқолмасдан туриб ташкил этиш жиноятни ўз вақтида очиб ва уни содир этган шахсларни фош этишнинг асосий кафолатларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2016 йил 22 февралдаги "Жиноятчиликка қарши кураш, суриштирув, дастлабки тергов ва тезкорликнинг фаолиятида қонун устуворли-

гини ҳамда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоясини самарали таъминлаш тўғрисида"ги буйруғида ҳам бу борада прокурор назоратини ташкил этиш бўйича қонунда белгиланган ваколатлардан тўлиқ ва самарали фойдаланиш, жиноятлар юзасидан кечитириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларининг ўз вақтида ва сифатли ўтказилишига, жиноят изларини аниқлашга, ашёвий далилларнинг қонунда белгиланган тартибда қайд этилиши ва расмийлаштирилишига алоҳида эътибор қаратиш, жиноятларни фош этиш ва тергов қилишда криминалистика техника воситалари, ўқув-услубий қўлланмалар ва суд экспертизалари имкониятларидан самарали фойдаланиш, жиноят-процессуал қонунчилик талаблари асосида далиллар тўплаш, уларни мустаҳкамлаш ва баҳолашнинг барча усулларини қўллаш каби бир қатор амалий кўрсатмалар берилган.

Тошкент вилоят прокуратураси органлари томонидан ҳам суриштирув ва дастлабки терговнинг барча босқичларида жиноят-процессуал қонунчилик нормаларининг оғишмай бажарилишини таъминлаш мақсадида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бунда асосий эътибор ушбу соҳада прокурор назорати таъсирчанлигини оши-

ришга қаратилган қатъий чораларни кўриш билан бир вақтда, ходимларнинг билим даражаси ва касб маҳоратини ошириш борасидаги комплекс тадбирларга ҳам қаратилмоқда.

Жиноят содир этган шахснинг айбини исботловчи далилларни мустаҳкамлаш, жиноят изларини аниқлаш ва фош этишда ўзига хос ўрин тутган энг муҳим тергов ҳаракатларидан бири — ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришдир.

Шу муносабат билан жиноят ишлари бўйича тергов ҳаракатларининг ЖПК талабларига тўла риоя қилган ҳолда ўтказилиши ҳамда уларнинг натижалари расмийлаштирилишини таъминлаш мақсадида Тошкент вилоят прокуратураси раҳбарияти кўрсатмаси асосида Бўка туман прокуратурасида криминалистика бўйича назарий ва амалий машғулотлар ўтказиладиган махсус марказ ташкил қилинди.

Марказ криминалистика техника воситалари, махсус кўргазмалар плакатлар, воқеа жойидан олинган ашёвий далиллар ҳамда жиноят қуроллари намуналари, криминалистика бўйича ўқув машғулотларини ўтказишга доир фото ва видеолавларни акс эттирувчи электрон кўрсатмалар ва бошқа намуналар билан жиҳозланди. Криминалистика марказининг бир қисмида воқеа жойини кўздан кечириш жараёнида тергов ҳаракати бўйича амалий машғулотини ўтказиш учун шароит яратилган.

Криминалистика марказида Тошкент вилояти барча туман, шаҳар про-

Олимхўжа НАБИЕВ,
Бўка туман прокурори

куратуралари терговчилари ҳамда иш ўрганувчилар учун "Жиноят-процессуал қонунчиликда далил, уларни тўплаш ва баҳолашда ЖПК принципларига риоя қилинишининг аҳамияти" ва "Қотиллик жиноятлари бўйича воқеа жойи ва мурдадан кўздан кечириш" мавзулари бўйича амалий машғулотлар ўтказилди. Мазкур тадбир вилоят прокурорининг ўринбосари Ш.Мухамеджановнинг раҳбарлигида, прокуратура органлари тергов тармоқлари фаолияти устидан назорат бўлими бошлиғи Б.Иброҳимов, ўта оғир жиноятлар тергов бўлими бошлиғи Ф.Миразев ҳамда эксперт криминалистика ва суд-тиббий экспертиларнинг иштирокида ташкил этилди.

Амалий машғулотларни ўтказишда, Бўка туман прокуратураси томонидан тайёрланган "Қасддан одам ўлдириш жараёнида маърузалар қилинган ҳамда криминалистика бўйича ўқув видеофильмлар намойиш этилди.

Бу каби тадбирлар тергов сифатини ва самарадорлигини оширишга, жиноят ишларини юритиш жараёнида процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ишларни янада фаоллаштиришга қўмаклашди.

Бола ҳуқуқларининг кафолатлари

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки йилларда болалар таълим-тарбияси, ижтимоий ҳимояси масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бўлиб келмоқда. Фарзандларимизнинг ҳар томонлама баркамол ўсиб-ўлғайиши, ҳаётда ўз ўрнини топишига қаратилган таълим, ижтимоий ҳимоя, соғлиқни сақлаш борасидаги қонун ва қонуности ҳужжатлари ана шу эзгу мақсадга хизмат қилмоқда.



Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасида қайд этилганидек, "Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга". Жамиятнинг асосий бўғини бўлган оила болалар тарбиясида фожия муҳим ўрин тутади. Болалар биринчи навбатда ота-она тарбиясини олади. Ота-она ҳамда фарзандлар ўртасидаги муносабат нафақат оила қонунийлиги билан, балки жамиятда муҳим қадрият сифатида шаклланди ахлоқ нормалари билан ҳам тартибга солинади.

Вояга етмаган болаларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари" тўғрисида "Ғи Қонунини алоҳида кўрсатиб ўтиш жоиз.

Қонунда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсати, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг бола ҳуқуқларини таъминлаш бўйича ваколатлари каби муҳим масалалар тўлиқ қамраб олинди.

Қонуннинг эътиборли жиҳатларидан бири шундаки, унда бола (болалар), боланинг қонуний вакиллари, вассилик ва ҳомийлик, етим бола, жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган бола, ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар, ногирон бола, ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола каби тушунчалар бир-биридан фарқланиб, уларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш ҳамда уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш кафолатланди.

Боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш, камситилишига йўл қўймасдан шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, болаларнинг жисмоний, интеллектуал, маънавий ва ахлоқий камол топишига қўмаклашиш, уларда ва-танпарварлик, фуқаролик, бағрикенглик ва тинчликсеварлик туйғуларини тарбиялаш, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш, бола ҳуқуқ-

ларини ҳимоя қилиш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш каби бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсати изчиллик билан амалга оширилмоқда. Фарзандларимиз жисмонан ва маънаван етух инсонлар бўлиб вояга етиши, билимларни пухта эгаллаши учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Ушбу сиёсатнинг тадрижий давоми сифатида "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури асосида кенг қўламли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Дарҳақиқат, тинч-тотув оиладаги соғлом руҳий муҳит, шароит, маънавий баркамоллик оиладаги вояга етмаган боланинг руҳиятига, унинг келажига ўзининг ижобий таъсирини ўтказди. Оила кодексининг 65-моддасида, ҳар бир боланинг ота-онанинг гами-ҳўрлигидан фойдаланиш, улар билан бирга яшаш ҳуқуқлари кафолатланган.

Айни чоғда ота-оналик ҳуқуқи болалар манфаатига хилоф равишда амалга оширилиши

мумкин эмас. Болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари қонун билан ҳимояланиб, бахтиёр ёшликнинг таъминланиши кўзда тутилади. Жамиятнинг бошланғич ячеяси бўлган оилада ўсмирлар маънавий озқо олади, ҳаётдаги ўз ўрнини англай бошлайди.

Мамлакатимизда халқаро стандартлар ва ривожланган давлатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқий ислохотлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон бугунги кунда инсон ҳуқуқлари, болалар ҳуқуқлари бўйича халқаро Конвенциялар ва шартномалар иштирокчиси бўлиб, ушбу меъёрлар юртимиз қонунлари мазмунига сингдирилмоқда. Шу муносабат билан халқаро Конвенциялар ва оилавий-ҳуқуқий нормалар ўртасидаги ўзаро узвий боғлиқликни мушоҳада қилиш ўринли.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси ва Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияда барча одамлар эркин, қадр-қиммат ва ҳуқуқларда тенг бўлиб туғилиши алоҳида таъкидланган.

Болалар алоҳида ҳимояга муҳтож аҳолининг демографик гуруҳи бўлиб ҳисобланади. Ушбу халқаро ҳужжатларда боланинг ҳимояга бўлган ҳуқуқ алоҳида нормаланади. Вояга етмаган бола қонунга мувофиқ тўла муомала лаёқатига эга, деб эътироф этилса, табиийки, у ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шунингдек, ҳимоя ҳуқуқини мустақил амалга ошира олади. Бола ота-оналар томонидан қилинадиган суиистеъмоликлардан ҳимояланиш ҳуқуқига эга.

Оила аъзоларининг бир-бирига бўлган эъзат-ҳурмати, муомаласи оиладаги маданият-

Алишер НАРМАТОВ,
Қўштепа туман прокурорининг
ёрдамчиси

ни ифодалайди. Бундай оиладаги маданият фарзандларнинг яхши тарбия олишларига таъсир ўтказди. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 19-моддасида эр-хотин оилада тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар ва улар тенг мажбуриятларга эгадирлар, деб кўрсатиб ўтилган. Демак, ота-она ўз фарзандларига нисбатан ҳам тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиб ҳисобланадилар. Ҳар бир ота-она ўз фарзандини тарбиялаш ва камолга етказиш учун жавобгар ҳисобланади. Улар ўз болаларининг соғлиғи, жисмоний, руҳий, маънавий ва ахлоқий камолоти ҳақида гами-ҳўрлик қилишлари шарт.

Ота-оналар ўзларининг вояга етмаган фарзандларини моддий жиҳатдан тўлақонли таъминлаб, уларнинг маънаван ва руҳан соғлом бўлиб вояга етишида бевосита иштирок этишлари лозим. Ўзбекистон Республикасининг бола ҳуқуқларининг кафолатлари, соғлиқни сақлаш, таълим тўғрисидаги ва бошқа қонун ва қонуности ҳужжатлари боланинг ҳар тарафлама етуқ, тўлақонли шахс бўлиб етишишни кафолатлайди.

Муқаддас Ҳадиси Шарифда ҳам фарзандларга эъзат-икром кўрсатиш билан бирга уларнинг ахлоқ-одобини ҳам яхшилаш зарурлиги ўқтирилган.

Энг асосийси, мамлакатимизда қонунлар билан кафолатланган бола ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги ибратли ишлар, вояга етмаганларга қўрашга берилган гами-ҳўрлик дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда.

Қонун ҳужжатларини такомиллаштириш

Инсон манфаатларига хизмат қилади

Ўзбекистон истиқлолга эришгач, барча соҳаларда бўлгани каби қонун ижодкорлиги соҳасида ҳам туб ислохотлар амалга оширилганлиги барчамизга аён. Айниқса, юртимизда қарийб ўн йилдан ортиқ мuddат давомида профессионал асосда ишлаётган икки палатали парламентнинг қонун ижодкорлиги борасидаги ишининг сифати ошиб бораётганлиги фикримизни тасдиқлайди.

Дарҳақиқат, қонун ижодкорлиги жараёнининг самардорлигини ошириш мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, шу орқали давлат ва жамият ҳаётида муҳим ўрин тутадиган қонунларни яратиш, уларнинг ҳуқуқни қўллаш амалиётида самарали амалга оширилишини таъминлашга эришиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасида истиқлол даврида қабул қилинаётган қонунлар юртимизда мустақил, суверен демократик давлат барпо этиш, инсон манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликлари олий қадрият ҳисобланган фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий ҳуқуқий пойдевориغا айланмоқда.

Хусусан, матбуотда 2016 йилнинг 26 апрелида эълон қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддаси билан мамлакатимиз Жиноят кодексига киритилган янгилıklar давлатимизнинг суверенитети ва ҳудудий яхлитлиги ҳамда хавфсизлигини мустаҳкамлаш, жамиятимизнинг ахлоқий негизларини ҳимоя қилиш, мамлакатимизнинг иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш, парвозлар хавфсизлигини таъминлашга қаратилганлиги билан алоҳида аҳамиятlidir.

Маъмур қонун билан жамиятимизнинг ахлоқий негизларини ҳимоя қилиш, ўсиб келаётган ёш авлодни халқимизнинг бой тарихий меросига зид бўлган ҳар қандай ёт иллатлар билан боғлиқ жиноятлардан ҳимоя қилиш, шунингдек аҳолининг саломатлигини таъминлаш мақсадида фоҳишахона сақлаш ёки қўшмачилик қилиш билан боғлиқ жиноятлар учун жавобгарлик кучайтирилди. Жиноят кодексининг 131-моддасига киритилган ўзгариш ва қўшимчаларга мувофиқ, эндиликда қўшмачилик қилиш энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланиши, фоҳишахона ташкил этиш ёки сақлаш энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қамок ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгиланди.

Агар юқорида тилга олинган ҳаракатлар бир гуруҳ шахслар томонидан олдидан тил бириктириб содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш

ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Шунингдек, ушбу ҳаракатлар вояга етмаган шахсни жалб қилган ҳолда, такроран, хавфли рецидивист ёки ушбу Кодекснинг 135 ёки 137-моддаларида назарда тутилган жиноятларни илгари содир этган шахс томонидан, уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини қўзлаб содир этилган бўлса, беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши назарда тутилди.

Шу ўринда бир қатор мамлакатларнинг (Хитой, Россия, Беларусь, Молдова, Туркменистон) қонунчилигида фоҳишахона сақлаш ёки қўшмачилик қилганлик учун оғирроқ (10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш ҳамда турак жойни мусодара қилиш) жазо таъинланиши белгиланганлигини кўриш мумкин.

Жиноят кодексига киритилган навбатдаги янгилıklarдан бири терроризмни молиялаштириш учун жиноий жавобгарликни назарда тутувчи "Терроризмни молиялаштириш" деб номланган 155-модданинг киритилганлиги бўлди. Эндиликда терроризмни молиялаштириш, яъни террорчилик ташкилотининг мавжуд бўлишини, фаолият қўрсатишини, молиялаштирилишини, террорчилик фаолиятида иштирок этиш учун хоржга чиқиб кетишини ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ҳаракатланишини таъминлашга, террорчилик ҳаракатини тайёрлаш ва содир этишга, террорчилик ташкилотларига ёхуд террорчилик фаолиятига қўмаклашаётган ёки бундай фаолиятда иштирок этаётган шахсларга бевосита ёки билвосита ҳар қандай маблағ-воситаларни, ресурсларни беришга ёки йиғишга, бошқа хизматлар қўрсатишга қаратилган фаолият саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Уш ҳаракатлар такроран ёки хавфли рецидивист томонидан, мансабдор шахс томонидан, уюшган гуруҳ томонидан содир этилган бўлса, ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши назарда тутилди.

Терроризмни молиялаштиришда иштирок этган шахс, агар у ҳокимият органларига ўш вақтида хабар бериш ёки бошқа усул билан оғир оқибатлар юзгага келишининг ҳамда террорчилар мақсадларини амалга оширилишининг олдини олишга фаол қўмаклашган бўлса, башарти бу

шахснинг ҳаракатларида жиноятнинг бошқа таркиби бўлмаса, жиноий жавобгарликдан озод этилади.

Ҳуқуқни қўллаш амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, жиноий даромад орттиришни қўзлаб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига муқаддам қўлланилган, жисмоний ишлатиб бўлинган ва маънан эскирган ёки замон талабларига жавоб бермайдиган асбоб-ускуна ёхуд технологияларни олиб кириш орқали давлатга наф келтирмаслиги аён бўлган битимлар тузиш мамлакатининг экспорт салоҳиятига ҳамда валюта ва марказлаштирилган маблағлардан оқилона сарфланишига салбий таъсир қўрсатиб, корхоналарнинг банкрот бўлишига олиб келмоқда. Бундай битимлар асосан, олиб кириладиган асбоб-ускуна ва технологияларнинг нарх-наво таҳлили ва экспортлик баҳосини беришга ваколатли бўлган мансабдор шахслар томонидан ўз хизмат вазифаларини суиистеъмол қилишлари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда содир этилмоқда.

Шундай бир вазиятда Жиноят кодексининг 175-моддаси жиноят давлат манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказилган ҳолда содир этилган тақдирда ҳам 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазосини назарда тутар эди. Бу эса ўз навбатида, қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасига номуносиват бўлиб, мавжуд норма жиноятнинг олдини олиш ва профилактика қилиш имкониятини чеклар эди.

Жиноят кодексининг 175-моддасига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар орқали эндиликда наф келтирмаслиги аён бўлган битимни тузиш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига илгари фойдаланилган, жисмоний ишлатиб бўлинган, маънавий эскирган ёки замон талабларига жавоб бермайдиган асбоб-ускуна ёхуд технологияларни олиб киришга, шунингдек уларни ўрнатиш ва жорий этишга олиб келган битимни тузиш, республика манфаатларига кўп миқдорда зарар етказган бўлса, худди шунингдек бундай битим тузилишига сабаб бўлган экспорт ҳулосасини ёки бошқа ҳужжатни ваколатли давлат органнинг ёки бошқа ташкилотнинг мансабдор шахси томонидан бериш энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум этилган ҳолда уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгиланди.

Уш ҳаракат такроран, бир гуруҳ шахслар томонидан, олдидан тил бириктириб содир этилган бўлса, у ҳолда беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши назарда тутилди. Агар ўша ҳаракат жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда, урушдан гуруҳ томонидан ёки

унинг манфаатларини қўзлаб содир этилган бўлса, саккиз йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Етказилган моддий зарар уч қарра миқдориде қолланган тақдирда шахс жазодан озод этилишининг белгиланиши эса жиноят қонунчилигининг либераллашув сиёсати давом этаётганлигини кўрсатади.

Шу ўринда хоржий давлатлар қонунчилик тажрибаси "мамлакатга нисбатан суиистеъмолчилик ва фирибгарлик" тарикасида ифодаланувчи давлат манфаати учун наф келтирмайдиган битимлар тузланлик учун бир мунча қатъий жазо чоралари назарда тутилганлигини кўрсатди. Хусусан, АҚШда 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш ва 10 млн. АҚШ долларлари миқдориде жарима, Германия ва Кореяда 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш, Сингапурда эса 20 йилгача ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига хилоф равишда битим тузиш агар мамлакат манфаатларига анча миқдорда зарар етказган бўлса, у ҳолда маъмурий жавобгарликка сабаб бўлиши ҳақидаги норма мамлакатимиз Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига киритилганлигини ҳам таъкидлаш лозим бўлади.

Мамлакатимиз Жиноят кодексига киритилган навбатдаги янгилıklar парвозлар хавфсизлигини таъминлаш ва шу орқали йўловчилар ва экипаж аъзоларининг ҳаётини асраш каби мақсадларни назарда тутди. Таъкидлаш керакки, сўнгги йилларда ҳаво кемаларига лазерли нур тарқатгич қурилмалари орқали лазер нуруни йўналтириш билан боғлиқ безорилик ҳолатлари бутун дунё бўйлаб кўпайиб бормоқда. Бу ўз навбатида, ҳаво кемаларининг парвозлар хавфсизлигига таҳдид солади ҳамда экипаж аъзолари ва йўловчилар ҳаётини хатарга қўяди.

Қўллаб мамлакатлар қонунчилигида бу каби безориликлар учун жавобгарлик чоралари кучайтирилаётганини кўриш мумкин. Масалан, АҚШда лазерли нур тарқатгич қурилмаларини қўллаётган безориларга қарши қуралишдаги чоралар кескин равишда кучайтирилмоқда. Эндиликда лазерли нур тарқатгич қурилмаларини қўллаган безориларга 11 минг АҚШ долларлари миқдориде жарима солинади. Бундан ташқари, келажакда лазерли нур тарқатгич қурилмаларини қўллаётган безориларни ҳаво кемасини олиб қочган шахслар билан тенглаштириш ва уларга нисбатан шундай қонунбузарликларда қўлланиладиган жазо қўлланилиши кўзда тутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудиде ҳаво кемалари парвозларининг хавфсизлигини таъминлаш ва лазерли нур тарқатгичларни ноқонуний

Икром ЮСУПОВ,
Фарғона транспорт прокурорининг ўринбосари

ишлатишининг олдини олиш мақсадида 2013 йилнинг 20 февралда Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маъжасининг "Ўзбекистон Республикаси ҳудудиде лазерли нур тарқатгичларни ишлатиш тартибга солиш чоратадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилинган эди. Бирок лазерли нур тарқатгич қурилмаларини қўллаш билан боғлиқ безориликларнинг олдини олиш мақсадида қонунчиликда ҳаво кемаларига қарши лазерли нур тарқатгич қурилмаларини қўллаганлиги учун жавобгарлик нормаларини назарда тутишга ҳаётий зарурат юзага келди. Бунинг натижасида мамлакатимиз Жиноят кодексини "Ҳаво кемасидан фойдаланиш вақтида лазер нуруни йўналтириш орқали халақит бериш" деб номланган 263-модда билан тўлдирилди. Унга қўра, ҳаво кемасидан фойдаланиш вақтида ҳаво кемасига лазер нуруни йўналтириш орқали халақит бериш, шундай ҳаракат учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, шунингдек баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч ойгача қамок билан жазоланиши назарда тутилди.

Уш ҳаракат одам ўлимига сабаб бўлса, уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Ундан ташқари, ўша ҳаракат одамлар ўлимига, халокатга, бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгиланган бўлади.

Шу ўринда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ҳаво кемасидан фойдаланиш вақтида ҳаво кемасига лазер нуруни йўналтириш орқали халақит бериш ҳуқуқбузарлик ашёларини мусодара қилиб, энг кам иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача мuddатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлиши ҳақидаги норма киритилганлигини ҳам қайд этиб ўтиш ўринли бўлади.

Ҳулоса сифатида шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мамлакатимиз жиноят қонунчилигининг такомиллаштирилиши борасида амалга оширилаётган оқоридеги каби саъй-ҳаракатлар мамлакатимиз ҳаётида соғлом муҳит тарзини яратиш, миллий иқтисодиётимизнинг рақобатбардошлигини ошириш, миллий хавфсизлигимизни мустаҳкамлаш ва энг муҳими, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини оширишга хизмат қилади.

Оиладаги маънавий муҳит, ота-она ўртасидаги муносабатлар, нафақат фарзандлар тарбиясига, балки уларнинг келажақ ҳаётига ҳам катта таъсир ўтказиши ҳаёт ҳақиқатидир.

Уйқуга юмилган кўзлар

Ботир СУЛТОНОВ,
Бухоро вилоят прокуратураси
бўлим бошлиғи

зарни кўриб, Назира ҳар доимгидек зорланди.

— Дадаси, яна ичиб келдингизми?... Бунақанги юришингизда қачон рўзгорни бутлаимиз, қачон уй-жойли бўламиз, болаларимизни ўйласангиз бўлмайдами?

— Ичманми, ичмайманми, ишинг бўлмасин. Овозингни учир...
— Дадажон, илтимос, онамни урманг, — илтижоли ялинди ўғли.
— Сен билан кейин гаплашаман, — тили зўрга айланиб, гўдранди Бекназар.

Назира эрининг ноҳўя сўкинишларидан беэби, калтак ейишдан ўзини олиб қочиб, ташқарига чиқди. Қўшни аёл билан бироз сўхбатлашиб, дунё ташвишларини унутмоқчи бўлди...

Узоқ вақт бепоён осмонда гуҷ-гуҷ жимирлаётган юлдузларга тикилиб ўтирди. Шундай бўлса-да, Яратгандан эрига инсоф сўраб, кўзига уйқу илинди. Аммо уйқуга юмилётган кўзларини қайта оча олмаслиги ҳаёлига ҳам келмади.

Турмуш ўртоғининг танбехларидан кўзи қонга тўлган эр спиртли ичимлик таъсирида турмуш ўртоғига улаб ётган жойида бир неча бор пичоқ санчди. Етказилган тан жароҳати туфайли Назира воқеа жойида ҳаётдан кўз юмди. Дилбандлари келажаги ҳақида қайғуриб, эрига инсоф сўраган аёл қайта уйғонмади.

Суд ҳукми билан Бекназар Аваллоев узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилинди.



Бекназар (исм-фамилиялар ўзгартирилган) Туркманистон Республикасида туғилган бўлса-да, уни тақдир Бухоро шаҳрига етаклади. У Бухорога келганида йигитлик даврини ўтказётган эди. Новвойхонада иш бошлади. 1991 йилда Назира билан танишиб қолди. Узаро сўхбатлар ва учрашувлар муҳаббат манзилларида тугади. Улар турмуш қуришди. Энди рўзгор ташвишлари, дея аталмиш ҳаёт синовлари бошланди.

Бухоро шаҳридаги "Дилқушо" бозорида аравакаш бўлиб ишлаётган Бекназар ўтган йилларда бир неча марта судланиб, жазони ўтаб чиққан бўлса-да, тузалиш йўлини танламади. У оиласи, фарзандларининг эртаси, ҳатто ўзининг тақдирини ҳам спиртли ичимликларнинг бир фурסתлик кайфу сафосига алмаштирди.

Ичкиликка ружу қўйган Бекназар ўзига уй-жой қила олмади. Ачинарлиси, унинг икки нафар фарзандига ибрат бўладиган хулқи ҳам йўқ эди. У болаларининг онаси Назирага рўшнолик кўрсатмади. Боиси эри муттасил ичадиган аёлдан бахтсизроғи бўлмаса керак.

2015 йилнинг 10 июнь кунги кайфи тароқ ҳолда уйга кириб келган Бекна-



Панага ЭКИЛГАН «ЭКИН»

Алишер КАРИМОВ,

Миробод туман прокурорининг ўринбосари

Маълумотларга қараганда, айрим ҳайвонлар заҳарланса ёки еган озиғи ҳазм бўлмай қолса, қайт қилиш орқали организмни ўша озиқдан қутқарар экан.

Жамики жонзодлардан онгу тафаккури билан фарқланиб, юқори турувчи инсонларнинг баъзилари эса кўра-била туриб, гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилиб, ўзини ўзи заҳарлайди. Бу оғу қурбонини шунчалар ўзига жалб қиладики, унинг тўрига илинган кимса бора-бора суднинг қора курсисидан жой олади.

Тошкент вилоятининг Янгийўл туман ҳудудидаги далани айланиб юрган Илҳомнинг кўзи ариқ бўйида ўсиб турган ўсимликка тушиб-ю, тинчини йўқотди. Аввалига йиғиб олишни мўлжаллади. Кейин бу хавфли воситаларни эсига тушиб, бу фикридан қайтди. Уйлай-уйлай, уруғидан олиб кетадиган бўлди. Пана жой топиб экиб қўйса, кейин бировларга ялиниб юрмайди. Қолаверса, пул керак бўлиб қолганида, сотиши ҳам мумкин.

У атрофга назар ташлаб, ўзи ёлғиз эканлигига амин бўлгач, шоша-пиша ўсимлик уруғини юлиб олди ва яшиллаб ўраб-чирмаб, беркитиб қўйди. 2015 йилнинг баҳорига яширган жойдан уруғини олиб, ўзи маккажўхори эмокчи бўлган даланинг бир четига ташлаб қўйди. Тез-тез хабар олиб турди. Ёз ойи охираб қолганида, "ҳосил"ни ўриб олди. Яшиллаб қуритди. Қанча "ҳосил" олганини билмоқчи бўлиб, идишларга

жойлади. Иккита бир литр ҳажмдаги шиша банка тўлганини кўриб, унинг ҳам кўнгли тўлди ва идишларни болохонага яшириб қўйди. Орада, ҳумор тутганда бир-икки марта олиб чекди.

2016 йилнинг бошида бир таниши телефон қилиб, наша топиб беришни сўради. Илҳом аввалига "йўқ" деди-ю, кейин уйига чақирди. Банкадаги "ҳосил"дан олиб, иккита гўгурт қутисига жойлади. Таниши келгач, уларни 300 минг сўмга баҳолади. У бунга рози бўлди, аммо пулни икки-уч кунда келтиришини айтиб, илтимос қилди.

Эртаси кўни таниши кўнғироқ қилиб, яна наша сўради. Илҳом иккита гўгурт қутисидagi нашани танишига бериши учун йўлга отланди. Бироқ манзилга етолмади. Унга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари халал беришди. Маълум бўлишича, унга кўнғироқ қилган таниши бу ишларнинг барчаси қонунга зид эканлиги ҳақида ўйлайди ва тегишли жойга ариза билан мурожаат қилади.

Унинг ўз вақтида қилган мурожаати боис икки шиша идишдаги заҳри қотил йўқ қилинди. Илҳом Расуловга эса суд ҳукми билан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

XXI асрнинг биринчи ўн йиллиги илм-фан, техника ва янги технологиялар ривожининг жадаллашуви, ахборот алмашинуви тизимининг тубдан такомиллашганлиги билан инсоният тарихида ўзига хос янги даврни бошлаб берди.

Бу жараёнда дунё мамлакатлари халқаро муносабатларда ялпи ва минтақавий хавфсизлиқни таъминлаш, иқтисодий ва ижтимоий, маданий ва ахборот, сиёсий ва ҳуқуқий соҳаларда ҳамкорлик қилиш, умуминсоний кадриятлар билан миллий ўзига хос анъана ва кадриятларни уйғунлаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Бунинг натижаси ўлароқ, халқаро меҳнат тақсимоти жараёнлари фаоллашмоқда. Фуқароларнинг меҳнат қилиш, таълим олиш, туризм ва шу каби турли мақсадларда бошқа давлатларга чиқиши, эркин фаолият олиб бориши учун имкониятлар янада кенгаймоқда.

Афсуски, умумжаҳон миқёсидаги ижобий ўзгаришлар билан бир каторда, айрим трансмиллий жиноятларнинг ортиши ҳам яққол кузатиляпти. Одам савдоси ҳам умумжаҳон миқёсидаги муаммолардан биридир. Республикада бундай жиноятга қарши қанчалик курашилмасин, тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилмасин, одам савдоси ҳамон фуқароларни ўз до-

Ўзга юрт азоблари



Ҳайдаров
СВОЖДЛҚК департаментининг
Навбахор туман
бўлими инспектори

мига тортмоқда. Хусусан, ҳеч қаерда ишламайдиган Фарҳод Жумаев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) бир гуруҳ шахслар билан жиноий тил бириктириб, Россия Федерациясининг турли ҳудудларига фуқароларимизни олиб бориб ишга жойлаштиради. Албатта, бундай хизмат шунчаки "рахмат" эвазига эмасди. Ф.Жумаев бошчилигидаги гуруҳ Россия Федерациясининг Якутск шаҳрида фаолият олиб бораётган қурилиш ташкилотларидан бирининг раҳбари Василий Куликов билан келишиб олади. Яъни Ф.Жумаев қурилиш объектларида ишлатиш учун республикаимиз фуқароларини турли йўллар билан алдаб, Россияга олиб боради ва маълум ҳақ эвазига В.Куликовнинг ташкилоти амалга ошираётган қурилишларда ишлатади. Ф.Жумаев отаси Носир Жумаев, укаси Ҳамид

ва таниши Фарҳод Ҳайдаров билан олдиндан ўйланган жиноий режага мувофиқ иш юриятади.

2011 йилда Россия Федерациясидаги мавжуд қонун талабларини бузганлиги сабабли Ф.Жумаев 5 йил муддатга мажбур ҳудуддан депортация қилинади. Бироқ у 2013 йилнинг апрель ойи бошларида Нурота туманида яшовчи С.Тагаев, Р.Исмаилов, О.Шокиров, Ҳ.Бозоров, А.Жианов, Р.Ҳамроқулов, Ш.Қобилов, Н.Қобилов, Ҳ.Бозоров ҳамда тергов давомида шахсини аниқлашининг имкони бўлмаган шахслардан иборат, жами 30 нафар фуқароларга Россия Федерациясида меҳнат шариоатлари юқори, ойлик маоши 1000-1500 АҚШ доллари бўлган иш борилигини айтиб, уларни алдайди. Уларнинг ишга боришга кўндрингач эса, ўз ихтиёрлари билан Россия Федерациясига ишлагани боришаётгани ва уюш-

ган гуруҳ раҳбари ва аъзоларига нисбатан келажақда даъво ва эътирозлар билдирмаслик ҳақида тилхат ёздириб олади. Шунингдек, улардан йўл харажатлари учун 800 минг сўмдан пул олади ва айланма йўллар орқали турли йўловчи транспорт воситалари билан Тошкент вилояти ҳудудидан Қозғоғистон Республикасига ўтиб, Россиянинг Якутск шаҳрига олиб боради. У ерда йигитларнинг фуқаролик паспортларини олиб қўяди ва В.Куликовга топширади. 2013 йилнинг апрель ойидан октябрь ойига қадар Ф.Жумаев жиноий шариоатлари билан шу йўл орқали ёлланган фуқароларни ўзларига моддий ва бошқа жиҳатдан қарам қилиб олади. Ўз ҳамюртларини оғир меҳнат шариоатларида ишлагач мажбур қилади. Иш беришчи томондан тўланган 3 ойлик ўш ҳақларини эса эгаларига бермасдан, ўз манфаатлари йўлида ўзлаштиришади.

Жабрдийдалар меҳнат қонунчилиги нормаларини мувофиқ бўлмаган шариоатларда ишлаганликлари оқибатида, 2014 йилнинг август ойида улардан Наримон Қобиловнинг ўнг умров суяғи, Ҳусан Бозоровнинг ўнг


елка бўғими синади. Ҳасан Бозоровнинг эса чап буйрағи ишдан чиқади. Ф.Жумаев эса уларни ўз вақтида тиббий муолажага олиб бориш чораларини кўрмайди. Уларига қайтариб юборишни ҳаёлига ҳам келтирмайди. Ушбу фуқаролар тан жароҳатлари билан 2014 йилнинг декабрь ойига қадар ҳеч қандай тиббий муолажасиз юришга мажбур қилинади. Ф.Жумаев уларни қурилиш объекти ҳудудида жойлаштирилган вагончада сақлаб, оғир оқибатлар келиб чиқишига сабабчи бўлади.

Жабрланувчиларнинг аҳоли ёмонлашиб, ётиб қолганларидан сўнг, жиноий гуруҳ уларга фуқаролик паспортларини бериб, уларнинг жўнатиб юборишади. Йигитлар ўз юртларига қайтганларидан кейин тиббиёт муассасаларида даволанишади. Бироқ шифокорлар томонидан олиб борилган муолажаларга қарамадан Ҳасаннинг чап томон буйрағи даволанишини илоҳи бўлмайди. Оқибатда ушбу орган функционал вазифагани тўхтатгани учун шифокорлар томонидан олиб ташланади.

Жабрланувчилар жиноий гуруҳнинг қилмишлари хусусида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ариза билан мурожаат қилишади. Одам савдоси жиноятини содир қилган кимсаларнинг қилмишлари дастлабки терговда тўпаланган далиллар ёрдамида ўз исботини топди. Уларга суд томонидан жазо тайинланиб, ҳукм ўқилди.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасида

ҳамкорлик масалалари



Жаҳон иқтисодиётида инқирозли ҳолисалар ҳамон давом этаётган шароитда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан белгилаб берилган энг муҳим вазифа ва устувор йўналишларни амалга ошириш маъналатини мустақкам ижтимоий-иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаш ва макрокўтисодий барқарорликни таъминлаш имконини бермоқда.

Ушбу вазият ўз навбатида ҳуқуқ, унинг тармоқлари томонидан муҳофаза этиладиган ижтимоий муносабатларни жиноят, ноҳўя ҳаракат, интизомни бузиш шаклидаги ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини ташкил қилиш, қонунда белгилаб берилган чора-тадбирларни ўз вақтида бажариш, уларнинг самардорлигини ошириш ва белгиланган вазифаларга эришиш борасида ақиндан ҳамкорлик қилишни тақозо қилмоқда.

"Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9-моддасида ички ишлар, прокуратура, адлия, миллий хавфсизлик, давлат божхона ва солиқ хизматлари, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, таълим, соғлиқни сақлаш тизимларини давлат бошқаруви органлари, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари, табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар (кейинги матнда — профилактика органлари) тизимига киритилган.

Таъкидлаш лозимки, ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини ташкил қилиш, тадбирларни режалаштириш, бу доирадаги ҳамкорлик, ходимларнинг малакасини ошириш ва фаолият очиклиги билан профилактиканинг натижалари ўртасида бевосита боғлиқлик мавжудлиги бўйича амалиётчилар ҳамда тадқиқотчилар яқдил фикрларни билдиришмоқда.

Шубҳа йўқки, ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини истиқболлари ва суръатларига таъсир қилувчи энг муҳим омил, албатта, бу мазкур тизимлардаги ҳақиқий аҳвол ҳисобланади. Фикримизча, ҳақиқий аҳволни баҳолашда, биринчидан, ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини аҳолини фақат маҳкамавий ёндашувдан келиб чиқиб, мазкур соҳавий фаолиятни бекаму кўст ёки бу борада ҳеч қандай ўзгаришнинг ҳолати йўқ деб баҳолашга йўл қўймаслик, иккинчидан, профилактика фаолиятининг истиқболлари билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишдаги энг асосий вазифа — "ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш, бартараф этиш чора-тадбирларини

қўриш" — ҳуқуқий давлат стандартларига тўла-тўқис жавоб беришини назарда тутиш, учинчидан, ижтимоий-иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаш профилактика органларининг функционал ўзгаришларини тақозо қилади. Бу ўринда, мустақиллик йилларида мазкур органларда тўпланган кенг ижобий тажрибани тўла сақлаб қолиш жуда муҳим.

Ўтказилган таҳлиллар профилактика органларининг фаолиятини такомиллаштириш борасида айрим мулоҳазаларни келтириб чиқармоқда.

Биринчидан, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича профилактика органларининг фаолиятини тизимли мувофиқлаштириш яхши натижа беради. Шубҳасиз, бу профилактиканинг самардорлигини таъминлайди, энг асосийси, жойларда параллел ишлашни, такрорланишларни, мавжуд куч ва воситаларнинг беҳудага сарфланишини истисно қилади.

Иккинчидан, профилактика органларининг ҳамкорликдаги дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, аҳолининг ижтимоий муҳофаза қилиниши, қонунийлик ва ҳуқуқ тартибот, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш лозим.

Учинчидан, профилактика органларининг фаолиятини яхшилашнинг энг барқарор ва узок мuddатли омилларидан яна бири профилактика тадбирларни пухта режалаштиришдир.

Тўртинчидан, ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини ҳамкорликда муваффақиятли амалга ошириш ва унинг энг устувор йўналишларини танлаш борасида ташкилий бошқарув таснифдаги энг муҳим шартлардан бири бу таҳлилий иш ҳисобланади.

Мавзуга оид ахборотларни тўллаш, сақлаш, ишловдан ўтказиш билан боғлиқ таҳлилий иш ҳамкорликдаги режаларни шакллантириш, ташкилий-бошқарув, ахборот ва услубий ҳужжатларни сифатли тайёрлаш, профилактика дастурларининг самардорлигини муттасил оширади.

Бешинчидан, профилактика фаолиятини замонавий мувофиқлаштириш соҳавий умумлашмалар, ўқув-услубий тадбирлар, йўналтирувчи хатлар ва жорий идора этиш жараёнига мақсадли сингдирилиб борилиши зарур.

Ўзбекистон халқаро ҳуқуқий майдонга ва дунё ҳамжамиятига қўшилиб, интернет тизими ривожланиб бораётганлиги, маъмурий процедураларнинг янгиланаётганлиги ҳам мувофиқлаштиришнинг замонавий шакли ва мазмунига, ҳуқуқбузарлик аҳолига ижобий таъсир кўрсатиш борасида эса салмоқли натижалар ва юқори самара, изчиллик ва бардавонлик тусига эга бўлишни талаб қилади.

Бу талаблар ҳамкорлик замирида бўлган барча профилактика органларининг фаолиятида хизмат ва ижро интизомининг мустаҳкамлашига, ходимларнинг билим даражаси ва касб маҳоратининг муттасил ўсиб боришига, хизматда юқори кўрсаткичларга эришишга ёрдам беради.

Функционал нуқтаи назардан ҳамкорликни таъминлаш ва фаолиятни мувофиқлаштириш ҳуқуқбузарликларнинг умумий, махсус, яқка тартибда ва викимонологик профилактикасига қаратилган бўлади.

Олтинчидан, хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишни таъминлаш вазифалари тадбиркорлик муҳитида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини кучайтиришни талаб қилади.

Бу борада тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда бюрократик тартиб-таомилларни қисқартириш ва кичик бизнесни ривожлантириш кўллаб-қувватлаш борасида профилактика органларининг савий-ҳаракатларини самарали мувофиқлаштириш лозим бўлади.

Ўз навбатида, соҳавий мувофиқлаштириш тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтиришга, эркин иқтисодий фаолият ва мақбул инвестиция иқлимини қарор топтиришга, айрим бюрократик тартиб-таомиллар орқали бизнесга маъмурий босим ўтказишнинг олдини олишга, ҳўжалик юритувчи субъектларни текширишда қонунийликни таъминлашга йўналтирилади.

Тадбиркорлик фаолияти ҳуқуқ ва кафолатларини ҳимоя қилишни яқнада кучайтириш мақсадида Бош прокуратура томонидан давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асосий аралаштириш, тадбиркорлик фаолиятига тўқсинлик қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг бузилишига доир масалалар бўйича мурожаатларни туну кун узлуксиз қабул қилиш тизими жорий этилди.

Еттинчидан, мувофиқлаштиришнинг юқори натижа бериши, албатта, соҳага жалб

этилган ходимларнинг касб маҳорати ва билим даражаси, келиб тушаётган ахборотларнинг тўлиқ ва сифатли бўлишига кўпроқ боғлиқ бўлади.

Ҳуқуқбузарлик аҳолини мониторинг қила олмаслик, ҳуқуқбузарликлар ҳақида зарур ахборотлар мавжуд эмаслиги, умумлашмаларни сифатсиз тузиш, ҳамкорликдаги ҳужжатларни кеч ва асослан-тирилмаган ҳолда тайёрлаш, профилактика органларининг раҳбарлари тадбирларда бевосита иштирок этмаслиги, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича талабномалар бажарилиши устидан амалий назорат ўрнатмаслик, профилактика тадбирларини оммавий ахборот воситаларида ёритмаслик каби муаммолар жойларда кузатилмоқда.

Саккизинчидан, мувофиқлаштириш фаолиятида илғор хориж тажрибасини (масалан, "sincere advise — самимий маслаҳат бериш") инobatга олиш керак. Қоида тариқасида, "ҳуқуқбузарликлар содир этилиши сабабларини бартараф этиш ҳақида юборилган талабнома" ларни халқаро ҳужжатлар ва чет эл мамлакатларининг қонунчилиги, шунингдек юртимиз шароитларида уларни қўллашнинг мақсади мувофиқлигини инobatга олган ҳолда тузиш зарур.

Тўққизинчидан, профилактика органлари фаолиятининг очиклиги самардорликни оширишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Профилактика фаолиятининг очиклиги ҳамкорликдаги тадбирлар тўғрисида ахборотни эълон қилиш, расмий веб-сайтларга жойлаштириш, бу борадаги ахборотни ҳамма кириши мумкин бўлган жойларга жойлаштириш, мажлисларда ахборотдан фойдаланувчиларнинг ҳозир бўлиши учун шароитлар яратиш, сўров асосида озаки ва ёзма шаклда (шу жумладан, электрон ҳужжат шаклида) ахборот тақдим этиш воситасида таъминланади.

Бу борада оммавий ахборот воситаларига мавзуга оид хабарлар юборишни кўпайтириш, ҳуқуқбузарликлар содир этилиши сабабларини бартараф этиш ҳақида юборилган талабномалар бўйича ҳокимият органлари ва жамоатчиликни кенг хабардор қилишга эътиборни кучайтириш керак.

Энг муҳими, профилактика органларининг фаолияти жамятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш талабларига монанд бўлиши зарур. Соҳавий фаолият аҳолининг ҳуқуқий хабардорлигини оширади, фуқароларга зарур ҳуқуқий билимлар беради ва айни пайтда, ҳуқуқбузар хулқи асосидаги бокимандаллик тасаввуларни, ҳуқуқ ва одобга нисбатан салбий қарашларни йўққа чиқаради ҳамда фозил фуқаролик масъулиятини шакллантиради.

Толбжон УМАРОВ,
Тошкент шаҳар прокурорининг
ёрдамчиси

Мавжуд амалиёт ҳужжатлари таҳлилининг кўрсатишича, аҳоли билан қайта алоқаларнинг мавжудлиги профилактика фаолиятини мувофиқлаштириш самардорлигининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади.

Ҳар кимнинг ахборотни излаш, олиш, тадқиқ этиш, узатиш ва тарқатиш ҳуқуқи давлат томонидан ҳимоя қилиниши, кишиларнинг мансабдор шахслар хатти-ҳаракатларини кузатиш имконияти кенгайиб бораётганлиги негизда ҳозирда жамят ва давлатнинг ўзаро ахборот таъсирининг туси ўзгармоқда. Бу ўзгариш бевосита ва қайта алоқаларни юқори даражада ташкил этишга имкон беради, профилактика органларини фуқароларга яқинлаштириш ҳамда аҳоли билан ишлашни тўбдан яхшилайди.

Профилактика органлари ҳар кимга ўзининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган қонун ҳужжатлари билан, шунингдек ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиш беришга мажбур эканлигидан келиб чиқиб, жамоат қабулҳоналарини ташкил этиши лозим. Бу жойда тегишли мансабдор шахслар фуқароларни қабул қилади, ҳуқуқбузарлик масалалари бўйича маслаҳат беради, мавзуга оид ҳужжатлар ва материалларни эълон қилади.

Профилактика фаолиятига ОАВ орқали ошоралик тусини бериш мазкур органларнинг обрўйини кучайтиради, уларга нисбатан аҳоли ишончини мустаҳкамлайди, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда, қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлашда ушбу органларнинг роли ва аҳамиятини алоҳида мавзулар бўйича очиб беради.

Бугунги кунда мувофиқлаштиришнинг такомиллаштириш амалий заруратга, шахсининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, жамятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, қонунийликни мустаҳкамлаш гаровига айланиб, профилактика органларининг барқарор ривожланишига имкон бермоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг барқарор юқори кўрсаткичларини сақлаш, иқтисодиётнинг бозор муносабатларига узил-кесил ўтишини таъминлаш вазифаси қон тартибда турган бир вақтда, юқоридаги мулоҳазалар, самарали профилактика амалиётини йўлга қўйишга ижобий таъсир кўрсатиб, соҳа тажрибали ходимларнинг касб маҳоратини яқнада оширишга, шунингдек ёш ходимларнинг билимларини юксалтиришга хизмат қилади.

Унинг ортидан дарвоза эшиги ёпилди. У билан бирга чиққан, чамаси йигирма яшар йигитни бирин-кетин кекса отаси, онаси, ўқаси бағрига босишди. У атрофга аланглади. "Сенга кимнинг кўзи учиб турибди", деди ўзича илжайиб. "Борадиган жойинг ҳам йўқ". У ўттиз беш ёшида ҳам сўққабаш эми.

Кўзи очилмаган йигит

Шухратжон ТЎХТАМАТОВ,
Фарғона вилоят прокуратураси
бўлим бошлиғи

Ҳан олти ёшида ўғирлик қилиб судланди, жазонинг учдан икки қисмини ўтаганидан сўнг амнистияга тушиб, қамқондан чиқди. Яқинлари бурнига сув киргандир, деган ўйда бағриларига олишди. Дарвоқе, икки йилча тўғри юрди. Ишга ҳам жойлашди. Ёлчители ишламади. Паттаси кўлига теғди. Ўзига тўқ одамнинг хонадонини кўз остига олди. Пойлоқчиликка шерик керак эди. Вояга етмаган ўсмирни йўлдан урди. Ўғирлик мол оёғидан тортиди. Кўлга олиниб, судланди. Яна тузалиш йўлига ўтиши учун имкон берилди. Жазонинг бир йилини ўтаган, амнистия кўлланиб, озодликка чиқди. Бироқ ўрганган кўнгли ўртанса қўймас, деганларидай, учинчи марта ўғирлик жиноятини содир этгач, хавфли рецидивист сифатида етти йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

2013 йили озодликка чиққан Валентин Сериков (исм-фамилиялар ўзгартirilган) Кўкон шахрига қайтиб келди. Ёлланма ишчи бўлиб кун кўра бошлади. 2014 йил кўзда ўзидан етти-саккиз ёш катта Галина билан танишди. Аёлининг катта қизи Светлана дўконда сотувчи бўлиб ишларди. Кичкина қизи мактабда ўқир, ўқишдан кейин опасининг ёнига бориб, дўконда савдо-сотикка қарашар, кечки пайт уйга қайтарди. Валентин кундузи дуч келган жойда ишлаб топган пулига спиртли ичимлик олиб Галинанинг уйига борар, ўша ерда ётиб қоларди.

Одатдагидай, кечки пайт ичиб олишгач, Галинадан пул беришини талаб қилди. "Қарзларимни тўлашим керак", деди аёл. "Сенга берадиган пулим йўқ", дегач, маст Валентин бўралаб сўкинди. Кайфи ошиб қолган аёлнинг ҳам оғзидан боди кириб шоди чиқди. Валентин уни дўпбослаб, кўчага чиқиб кетди. Бирга яшаб юрган аёлга енгил тан жароҳати етказгани учун ахлоқ тузатиш ишлари жазосига тортилди. Қасд олишни дилига тугиб қўйди.

Янги йил арафасида кўлида совғалар билан эшик кўнгиригини чалди. "Кечир", деди эшикни очган Галинага. "Аҳмоқлик қилдим". Аёл ишонди, уйига киритди. "Яна аблах билан топишиб олдингизми", дедя катта қизи Светлана уришиб берди. "Менга ҳўжайинлик қилма, тошингни тер", дедя аёл қизини жеркиб ташлади.

Шу йилнинг 21 январь кўни Светлана синглиси билан кечаси алламаҳалгача дўконда қолиб кетишди. Уйга қайтишганда хонадон эшиги қўлфланмаган эди. Дахлиздан меҳмонхонага кириб, дахштада тушишди. Онаси қонга беланиб ётар, жон таслим қилган эди. Ҳушини йиғиб, таниши Давлатга телефон қилди. Йиғламосираб тезда етиб кел, дедя олди, холос.

— Тинчликми, нима бўлди?

— Онам ўлиб қолди.

Давлат ўн дақиқада хонадонга кириб келди. Юм-юм йиғлаётган Светлана ва синглисини ташқарига олиб чиқиб, ИИБ навбатчисига телефон қилди. Тергов-тезкор гуруҳи терговчисининг саволларига жавобан Светлана онасининг пенсия пулидан тўплаб юрган 200 минг сўм пули ва пластик карточаси йўқлигини, уйларига Валентин Сериков келиб турганини айта олди. Келаси кўни у гумонланувчи тарзда ушланди. Куртқаси, кўйлагиди қон доғлари бор эди. Аёлини қасддан ўлдирганига иқроор бўлди.

— Кечқурун уйига икки баклашка пиво ва икки ишша вино олиб бордим. Галина кўп ичмади. Кайфим ошиб гап талашиб қолдик. Галина мени сўқиб, ҳақорат қилди. Жаҳлим чиқиб, уни роса урдим ва бўғдим. Ҳушини йўқотгач, ётоқхонасидаги жавондан пуллари, пластик картасини олиб чиқиб кетдим.

Суд мажлисида унинг айби ўзининг иқроорлигидан ташқари гувоҳларнинг кўрсатмалари билан ҳам тасдиқланди.

Суд ҳўқми билан ўта хавфли рецидивист Валентин Сериков ўн саккиз йилга озодликдан маҳрум этилди.



Кўпхотинликнинг аянчли якуни



Санжар НУРМАТОВ,
Қарши шаҳар прокурорининг
ўринбосари

Мафтуна Бердиева (исм-фамилиялар ўзгартirilган) мактабда ҳаракат хавфсизлиги бўйича навбатчилиги боис ишга эртарақ борди. Китоб-дафтарларини хонасига қўйиб, катта йўл бўйига чиқди. Бу вақтда мактабга бирин-кетин ўқувчилар кела бошлаган. У ИИБ ЙҲХБ ходимлари кўмағида қондага кўра, ўқувчиларнинг серкатнон йўлдан ўтишини назорат қила бошлади. Шу пайт бошқа бир ҳамкасби ундан зуллик билан мактаб ҳўлисига етиб келишини сўради. Мафтуна навбатчи эканлигини айтиб, уэр сўради. Аммо ҳамкасби қистайвергач, боришга мажбур бўлди.

Мақтабнинг спорт зали олдида ўқувчилар тўпланиб туришарди. Баъзи 1-синф болалари кўллари билан тепани кўрсатиб, нималарнидир чуғурлашарди. У болаларга яқинлашиб, тепага қаради ва айвончада осиллиб турган аёл кишининг жасадини кўрди-ў эсдан оғаёзди. Бўлиши мўмкин эмас. Ахир ҳалигина бу аёл ўзи билан саломлашиб ўтганди-ку. Қандай қилиб бу ҳол юз бериши мўмкин? Мафтунанинг хаёлида шу каби саволлар чарх ура бошлади. Ҳўзини кўлга олиб, зуллик билан мактаб ошхонасида ишловчи Жалол орқали йўл бўйидаги ЙҲХБ ходимларини чақиртирди. Бу орада марҳуманинг турмуш ўртоғи ҳам воқеадан хабар топиб, ҳўдиси жойига етиб келди. Аёлини арқондан бўшатди. У ким эди? Нера ўз жонига қасд қилди?...

Нодир хотинининг бошқа фарзанд кўра олмаслигини билгач, кўнгли эзилди. Наҳотки ўғилли бўла олмас! Қиз ҳам фарзанд, аммо ўғилнинг ўрни бўлак-да! Қизларнинг отаси деган гап қаерда-ў, ўғилли бўлиб, ошана-огайнилари каби суннат тўйлар қилиб, кўкрак керегани қайда. Хаёлидан ўтаётган бу фикрлар уни иккинчи бор оила қуришга ундади. Хотини билан маслаҳатлашиб, уни амаллаб кўндирди. Шундан сўнг шаръий никоҳ асосида уйланди.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Нодирга иккинчи хотин бўлиб турмушга чиқишга рози бўлган Нодира юртимизда кўпхотинликка қонун бўйича рухсат йўқлигини биларди. Шундай бўлса-да, била туриб у ўзини ушбу алангага отди. Нодир ҳам қонунларимизга ҳилоф равишда турмуш қуриб, бир аёлининг ҳаётини бадном қилди.

Нодир устомонлик билан Нодирани биринчи хотини билан бир ҳўлида яшашга кўндирди. Кўп ўтмай, Нодирнинг орзулари ушалди. Нодира унга бирин-кетин икки ўғил ҳада қилди. Нодирнинг боши осмонга етиб, 2014 йилда ўғилларига суннат тўйи қилиб берди. Четдан қараганда, бу оилада ҳаммаси рисоладагидек эди. Маҳалла-кўй ҳам Нодирнинг кўш хотини билан битта ўйда яшаётганини билгач, оила аҳволидан хабар олди. Аёллар билан суҳбатлашиб, уларнинг ўзаро муносабатлари яхши эканлигини билишгач, бу ҳўлга

индамай кўя қолишди.

Рўзгор деганининг кам-кўсти битмайди. Бугун бу нарсга йўқ, эртага бошқаси. Нодир ҳам иккала оиласини моддий таъминлаш мақсатида мактаб олдида стол қўйиб, майда-чўйда нарсга сота бошлади. Кейинчалик, хотинларини ҳам бу ишга жалб қилди. Нодир саводдан тушган даромадни тенг тақсимлашга масъул бўлса-да, аста-секин Нодирага нисбатан адолатсизлик қила бошлади. Унинг савдосига тўсқинлик қилиб, ўртада жой талашиси билан боғлиқ муаммолар юзага чиқди. Баъзида зикналиги тутиб, "Қам пул топа-япсан, бор, бошқа ерда савдо қил", дедя Нодирани очик-ошқор ҳақоратлашга ўтарди. Бундай пайтларда Нодира дардини ичига ютар, столини кўтариб уйга қайтарди. Сабр қосаси тўлган кезларда эса эридан рўзгорини алоҳида қилиб беришини талаб қиларди. Бироқ Нодир бунга рози бўлмасди.

2015 йил 4 сентябрь. Мактаб чеккасида болалар тўпланиб туришарди. Дарсга кўнгирак чалинган бўлса-да, томошатаб ўқувчилар жойидан жилмасди. Мактаб директорининг ўринбосари Сарвиҳон Қомилова ўша томонга юрди. Устозини кўриб ўқувчилар тарқала бошлади. Сарвиҳон борганида Нодир хотини билан жанжаллашиб турарди. У боласи тенгларин олдида хотинига турли ҳақоратли сўзлар айтиб, Нодирани таҳқирларди. Сарвиҳон орага тушиб, эр-хотинни жаҳддан туширишга уринди. Улар бирмунча муросага келгач, ортига қайтди. Шундоқ ҳам аламзада бўлиб турган эр ўқитувчининг танбеҳидан орияти кўзиб, аёлининг кўлидаги нарсаларни сочиб юборди-да, сўкинганича уйига кетди.

Нодира эридан қанчалик таъна-дашонда, ҳақоратлар эшитмасин, бу ҳақда бировга олнимасди. Уйдаги гапнинг кўчага чиқитини истамас, кимгадир шикоят қилишни-ку, хаёлига ҳам келтирмасди. Аламини фақатгина кўз ёшидан оларди. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Уйга киргач, хўрлиги келди. Юрагиди аламлари кўз ёш бўлиб юзига томди. Хаёлини турли ўйлар қамрай бошлади. Ахир кўндоши билан битта ўйда яшашга рози бўлса-ю, эри унга нисбатан ноҳақлик қилса, одамлар олдида

қадрини ерга урса. Турмуш ўртоғи бу ҳаракати билан болаларини ҳам ўртоқлари олдида изза қилаётганини тушунмаса. Бундан ортиқ азоб бормикан. Нодира унсиз йиғлади. Тун бўйи болалари, уларнинг тақдирини хўсусида ўйлаб, тонг оттирди...

2015 йил 5 сентябрь. Нодира ўрнидан ҳўрин кўзгалди. Кечани воқеалар ҳануз юрагини эзиб турарди. Бундай хўрликлар бугун ҳам давом этишини ўйлаб, кўрқувга тушди. Бировга сездирмай дарча орқали мактаб ҳўлисига ўрди. Дарс бошланганига ҳали эрта эканлиги сабабли ҳўлида ўқувчилар сийрак эди. Кўз олдида эрининг ҳақрили нигоҳи-ю одамларнинг ачинганнамо қиёфалари гавдаланди. Йўқ! Бундай яшай олмайман!

— Яхшимисиз Нодираҳон?

Нодира чўчиб, овоз келган томонга қаради. Йўлақдан келаятган Мафтуна муаллимани кўриб, базўр жилмайди. У билан қисқа сўрашиб, йўлида давом этди. Мактаб спорт зали олдида ўқувчилар остига келиб, шу ерда узоқ туриб қолди. Кейин эса...

Нодира эҳтимол жонига қасд қилиб, эрининг зуғумларидан қўндаландир. Бироқ динимизда бундай ҳаракат қораланишини, ўз жонига қасд қилганларга ҳатто жаноза ҳам буюрилмаслигини наҳотки у унутган бўлса? Наҳотки, икки нафар норасида фарзандини ташлаб кетишга кўзи қийди? Ахир, оилавий жанжаллар қонун йўли, жамоатчилик кўмағи билан ҳал этса бўладиган муаммолар эди-ку. Уттанлар ортидан ёмон сўз айтилмаса-да, Нодиранинг тутган йўлини оқлаб бўлмайди. Нодир ҳам қилишларини вақтида мулоҳаза қилиб, меҳр-муҳаббатини аямаганда, ақл билан иш тутганида, бугун бу воқеа юз бермаган, бир аёлнинг, онанинг уволига қолмаган бўларди.

Мамалякатимизда кўпхотинлик қонун билан ман қилинган. Хўсусан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 126-моддасида кўпхотинли бўлиш, яъни умумий рўзгор асосида икки ёки ундан ортиқ хотин билан эр-хотин бўлиб яшаганлик учун жаза белгиланган. Нодир нафақат қонунни бузди, балки аёлларига нисбатан муомалада ҳам адолатсизликка йўл қўйди. Калтабинлиги, маънавиятсизлиги туфайли бир инсон ҳаётдан эрта кўз юмди. Икки нафар фарзанд етим қолди.

Жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судида мазкур жиний иш атрофлича муҳожама қилинди. Нодир Маҳкамов жавобгарликдан қочишга уринса-да, гувоҳларнинг кўрсатмалари ва далиллар билан унинг айбдорлиги исботланди. Суд ҳўқми билан унга 6 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Оила ўзаро муҳаббат ва раҳм-шафқат асосида қурилади. Унда оиланинг яқдиллиги ва аҳиллиги қўллаб-қувватланади, унинг ўзига ҳослиги муҳофаза қилинади. Динимизда ҳам оилавий муносабатларда мажбурлаш, хўрлаш, қўпол муносабатда бўлиш қораланади.

Жаҳл чиққанда ақл кетмасин

Кундош кундошга пахта, овсин-овсинга тош отади...

Ўтмишдан қолган бу эски нақлни кўпчилик яхши билади. Аввало, шуни айтиш керакки, вақт ўтиши билан айрим мақоллар ўз аҳамиятини йўқота боради. Бироқ ҳаётаги айрим ҳолатларни кузата туриб, мазкур мақоланинг биринчи қисми бўлмаса ҳам иккинчи қисми ҳали-бери эскирмаслигига амин бўласиз. Қамаш туманида яшовчи овсинлардан бирининг "жангарилиги" бунга мисол бўла олади.

Азамат МИРЗАЕВ,
Қамаш туман прокурори

Тоза-озодаликка нима етсин! Бирок ўз уйининг озода бўлишини ўйлаб, чиқиндини ўзганинг уйи яқинига тўкиш яхши эмас. Бир қарашда, кўнгилсизлик чиқинди масаласидан бошлангандек туюлади. Аслида овсинлар ўртасидаги муносабат оддироқ дарз кетганлигини англаш қийин эмас. Акс ҳолда иккаласи ҳам бирданга қизишиб кетмай, бири босиқлик билан тушунтирса, бошқаси уэр сўраш билан чекланар, яна олам гулистон эди.

Бир хонадонда худди опасингиллардек аҳил ва иноқ яшаб келадиган овсинлар оз эмас. Яхши-ёмон кунларида улар бир-бирларига маслаҳаттўй, кўмақдош, сирдош. Рўзғор юмушлари ҳам ўртада. Бирининг бошига иш тушса, иккинчиси қараб турмайди, елиб-югуриб хизматини қилади. Айтилик, бетоб бўлиб қолса, кўнгли тусуган таомни тайёрлаб, олдига қўяди, ёш болаларини ювинтириб, кийинтиради...

Беш бармоқ бир хил бўлмаганидек, таассуфки, ҳамма овсинлар ҳам ана шундай аҳил эмас. Айрим хонадонларга иккинчи келин келгандан кўп ўтмай, овсинлар ўртасида гал қонади. Бири иккинчисига ҳурматсизлик кўрсата бошлайди. Тотувлик, ўзаро ҳурмат ҳукмрон бўлган оилада нотинчлик бошланади, овсинлар ўртасидаги муносабат ака-укалар ўртасига ҳам совуқчилик туширади. Бундай манзараларни ҳаммамиз кўриб, эшитиб юрибмиз...

Баҳс-тортишув, даҳанаки жанг билан чекланмай, эркакчасига "қучи"ни кўрсатиб қўйишни хоҳлайдиганлар ҳам топилади.

Улбиби Ҳошимованинг (исм-фамилиялар ўзгартирилган) қилмиши беҳиштер юқорида келтирилган мақолни ёдга туширади. У эски нақлнинг иккинчи қисмига монанд иш тугди, яъни овсинга тош отди.

Ҳаёт ҳикматларига амал қилмаган инсонлар эрталаб уйғонишлари билан навбатдаги кун ҳам осойишта, эзгу амаллар билан ўтишини кўнглидан ўтказадилар. Бироқ Улбиби Ҳошимовани жанжалнинг "хумори" тутган эканини, эрталабдан овсини Маҳмадхон Нормуроновага захрини сочди:

— Нега мени уйининг олдига "мусор" тўқасан?!

Маҳмадхон овсининг андишасизлигига, ваҳоҳатига муносиб жавоб бергиси келди. Тилига келганини қайтармади. Муросасизлик оқибати шу бўлдики, жаҳлнинг хилофай олмаган Улбиби ердан кўзига кўринган тошни олиб, овсининг бошига туширди. Тўрт боланинг онаси, аввало ёшига, қолаверса, аёлликка хос бўлган фазилатларга номуносиб иш тугди.

Улбиби Ҳошимованинг қилмишига нисбатан жиноят иши кўзгатилиб, судга оширилди.

Олий Мажлис Сенатининг 2015 йил 3 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирмачи уч йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Қарорининг 1-банди "а" кичик бандида аёллар жазодан озод қилиниши, 5-бандида эса 1-бандда қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар юзасидан олиб бориладиган барча ишлар тугатилиши кўрсатилган. Суд содир этилган жиноят қонунчилиқда ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар тоифасига киришини ва юқорида қайд этилган ҳолатларни инобатга олиб, Улбиби Ҳошимовага нисбатан амнистия актини қўллаб, мазкур жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни лозим топди. Жабрланувчига етказилган моддий ва маънавий зарар юзасидан келгусида низо келиб чиқса, фуқаролар ишларини судда юритиш тартибидан мурожаат қилиш мумкинлиги тушунтирилди.

Ҳаётда инсоннинг жаҳли чиқишига сабаб бўладиган ҳолатлар учраб туради. Бироқ ҳар қанча жаҳл чиқса, ақл кетмасин! Босиқлик, андиша, муроса-ю мадора энг тўғри йўл эканлигини унутмаслик лозим.

Абдукарим бобо фарзандининг йўлига интизор. Ой ўтиблики, отасини йўқлаб келмайди. Сабри чидамай, ўзи ўғлини кўргани шаҳарга йўл олди. Йўлла бораркан, хаёлга берилди. Ўзи емай, ўғлига еириди. Рўзғор харажатларининг бир томонидан юлқиб, боласининг ўқишига сарфлади. Ўғли катта ташкилот раҳбарига айланди. Аввалига Абдукарим бобо ўғлининг камқатнов бўлиб қолганини ишининг кўплигига йўйди. "Раҳбар оамнинг ташвиши ҳам ўзига яраша бўлади", дея ўзини овутиб юрди. Аммо ўғил олти ойда ҳам бир қорасини кўрсатмайдиган бўлди.



Ота-она ғанимат

Норбўта ҲОСИЕВ,
«Нуқид»

Хайдовчининг "етиб келдик", деган сўзи бобонинг хаёлини бўлди. Машинадан тушиб, ўзи билган манзил бўйича юрди. Баланд иморатлар, топ-тоза йўлақларни кўриб, кайфияти кўтарилди. Осмонўпар бино қаршисида тўхтаб, тепага қаради. Ўғли шу ерда туради. Абдукарим бобо зиналардан бир-бир кўтарилиб, ўғли турадиган қаватга чиқди. Назариди, кутилмаганда эшик очилди-ю, ўғли чиқиб отасининг қучоғига отиладигандек бўлди. Шундай умид билан эшик кўнгирироғига қўл узатди. Бироз ўтиб, эшикни келини очди. Қайнотасини кўриб, бироз талмовсираб қолди. "Шунча жойдан овора бўлиб келдингизми-я, ота? Ўқинда ўзимиз бормоқчи бўлиб тургандик-а. Ичкарига кириб. Ҳа-я, ўғлингиз бугун уйдилар, кириверинг, мен ҳозир", деганча қўшни хонага кириб кетди. Бобо ўғлининг югуриб қаршисига чиқишдан умидланиб, меҳмонхона томон юра бошлади. Ичкарида телевизорнинг баландовози эшитилар, аммо ўғлининг қораси кўринмасди. Томоқ қирганча меҳмонхонага кирган ота ўғлининг диванда ёнбошлаганча телевизор томоша қилиб ўтирганни кўрди. Ич-ичидан ёпирилиб келган соғинч ҳисси туфайли ота кучоқларини кенг очиб, ўғли томон бора бошлади. Бироқ телевизорга термулиб футбол кўриб турган ўғил отанинг қучоғига отилиш ўрнига... меҳрсузгина саломлашди. Кейин "Шошманг, футбол ҳозир тугайди", дея телевизордан кўз узмади. Абдукарим бобонинг вужудини титроқ босди. Келганига пушаймон бўлди.

Шу пайт кўчандан келган набираларининг овозини эшитди. Уларнинг қаршисига чиқди. Болалар бобосини кўриб, суюнчаларидан унинг қучоғига отилишди. Бобо кун бўйи набиралари билан овора бўлди. Ўғил эса отаси келганини унутиб, ёнида тазуқроқ ҳам ўтирмади. "Ўғлим, мен энди борай, ҳовли ёлғиз қолди", деди ота кеч туша бошлаган бир пайтда ўғлига термулиб. Шу онда ўғилдан бугун қолиб, эртага кетишини сўрашини хоҳлаганди. Аммо ўғли бу гапни айтмади. Отаси билан совуққина хайрлашиб, уни кузатиб

қўйди. Абдукарим бобонинг юрагидан бир нима узилгандек бўлди. Буну ўғлига сездирмай, бошини эгганча қишлоғига қайтди.

Ўғил отасига бўлган муносабати учун хотинидан эътироз эшитди. Хар ҳолда Абдукарим бобонинг келини анча меҳр-оқибатли аёл эди. Бошиқ ўғил бу сафар ҳам айбини иш қўлиги билан хаспўшламоччи бўлди. Хотинининг ота ғанимат эканлиги, бориди қадрига етиш тўғрисидаги насихатларидан безиб, эртага вақт топиб, қишлоққа ўтиб келишга ваъда берди.

Эртасига ўғил қишлоққа келди. Туғилган уйи томон бораркан, ҳовлиси олдида одамлар тўпланиб турганини кўрди. Яқинлашган сари юраги увиша бошлади. Наҳотки, отам... Ахир, кечагина соппа-соғ эди-ку! Ичкаридан гага-говур овозини эшитиб, бошини чангаллади. Кўксидан "Бемехр ўғлингизни кечиринг, отажон!", деган нидо отилди...

Афсуски, ҳаётимизда ана шундай фарзандлар ҳам бор. Арзимас сабаблар билан ота-онасини йўлига интизор қилиб, улар оламдан ўтгач, пушаймонда қолишади.

Алломаларимиз фарзанд ўза ота-онаси учун бутун борлиги — тили, дили, моли билан хизматда бўлиши, уларни рози қилиб, дуоларини олиши кераклигини ўқитиришган. Имом Насафий ҳазратлари "Ота-онанинг фарзанди олдида олтимишта ҳақи бор", деганлар. Ҳар бир ота-она қариганда атрофида фарзандлари бўлишини истайди. Кўздан нури, белидан қуввати кетганда фарзандларига суюнади. Улардан илм муомала тугади. Болаларимизни кексаларни ҳурмат қилишга ўргатиш учун, аввало, ўзимиз ҳам уларга ибрат ва намуна бўлиб, ёши улуг инсонлардан ҳабар олиб туришимиз зарур. Ўзимиз ҳам ота-онамизга ширин муомалада бўлиб, кўнгилларини олмоғимиз даркор.

Хавфли иллат

Акмалжон АҲМАДЖОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
ИИБ Академияси тингловчиси

ёки уни нобуд қилиш ёхуд жабрланувчи учун сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни ошкор қилиш билан қўрқитиб ўзгадан мулкни ёки мулкнинг хуқуқни топширишини, мулкнинг манфаатлар беришини ёхуд мулкнинг йўсиндаги ҳаракатлар содир этишини талаб қилиш, жабрланувчининг ўзи мулкни ёки мулкка бўлган хуқуқини беришга мажбур қиладиган шароитга солиб қўйишдир.

Унинг бошқа жиноятлардан фарқи шундаки, товламачилиқда асосий эътибор мол-мулкка қаратилди ва зўрлик ишлатган ёки жабрланувчини қўрқитган ҳолда амалга оширилади. Қолаверса, тадқиқотлар товламачилиқ жиноятининг 55 фоизи айнан кечки ва тунги пайтда содир этилишини кўрсатади. Бу пайт жиноят содир этилишида жабрланувчининг ҳаётига жиддий хавф деб

баҳоланади. Тунда содир этилган товламачилиқ жиноятининг хавфли жиҳати шундаки, жабрланувчига тасодифий ўткинчи шахсларнинг ёрдан бериш эҳтимоли камайд.

Товламачилиқни содир этиш жойи ҳам аҳамиятга эга. Масалан, бирор шахснинг мол-мулкига эгалик қилишни ният қилган жиноятчи кимсасиз хилват жойни айна мудоаа деб билади. Бундай шароит қурол ёки қўрқитиш воситаларини эътиборини жалб қилмай ишлатиш имконини яратди.

Ушбу жиноятнинг яна бир асосий қўрқитишларидан бири бу таҳдид ҳисобланади. Таҳдид шахсни қўрқитиш орқали амалга оширилади. Қўрқитиш

эса ўз навбатида руҳий ва жисмоний бўлиши мумкин. Руҳий қўрқитиш жабрланувчига зулм қилиш билан, жисмоний таҳдид эса пичоқ ёки қурол қўллаб ёхуд қўл-оёқ билан зарба бериб амалга оширилиши кўзда тутилади. Агар, товламачилиқ вақтида жиноятчи жабрланувчига таҳдид қилиб ўзининг жиноий ўтмиши ёки "жиноят олами"да кўп дўстлари борлиги ҳақида маълум қилса, жабрланувчи бутунлай товламачига бўйсунди. Ушбу ҳолат руҳий қўрқитишга яққол мисол бўла олади ва ҳозирги кунда қўлланиладиган товламачилиқ усулларидан ҳисобланади.

Ушбу жиноятни очишда жамоатчиликнинг кўмаги ҳам муҳим ўрин тугади. Ҳар бир фуқаро ҳушёр ва эътиборли бўлса, шундай ҳолатларнинг олдини олиш бўйича тегишли давлат органларига ўз вақтида ҳабар берса ва жиноятни фош этишда ўзаро ҳамкорлик қилса бу каби ёмон иллатларнинг тағ-томири билан йўқотишга ҳисса қўшган бўлади.



Юртимизда фуқароларнинг хуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузулардан, шахсий ҳаётига аралашлардан ҳимояланган ва турар жой дахлсизлиги хуқуқига эгадир. Инсоннинг барча хуқуқ ва эркинликлари ҳимояси Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан кафолатланган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 165-моддасида таърифланган товламачилиқ жинояти ҳам инсоннинг соғлиғи ва ҳаётига, қолаверса, мол-мулкка шикаст ёки катта миқ-

дорда зарар етказиши билан характерли бўлиб, бундай жиноятни содир этган шахс қонун билан таъбиб этилади.

Товламачилиқ жинояти, яъни жабрланувчи ёки унинг яқин кишиларига зўрлик ишлатиш, мулкка шикаст етказиш

Жазога муқаррар қилмиш

Инсон учун соғлиқдан азиз бойлик йўқдир. Жамиятимизда эса ҳамма нарса инсон учун, барча ислохотлар унинг соғлиғи, фаровон ҳаёт кечериши, соғлом авлодни тарбиялашига йўналтирилган. Минг афсуски, фуқаролар орасида бу ҳақда ўйламайдиган, кези келганда, ўзининг шахсий манфаати учун ҳар бир ноқонуний ишни даромад манбаи, деб тушунган кимсалар ҳам учраб турибди.

Соғлиқ учун зарарли


Раҳматжон ХУСАИНОВ, СВОЖЖДЛҚК департаментининг Урганч шаҳар бўлими катта суриштирувчиси

Урганч туманида яшовчи фуқаро Садоқат Раҳмонова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) муқаддам истеъмолга яроқсиз пахта ёғини сотганлиги учун жазога тортилган эди. Бироқ бундан ўзига тегишли хулоса чиқармаган С.Раҳмонова эски хунарини давом эттирган ҳолда, пахта ёғини елим идишларга қадоклаб, сотиб келаётганлиги аниқланди. Ундан 107 литр пахта ёғи, елим идишлар, электрон тарози ва бошқа буюмлар ашёвий далил сифатида олиб кўйилди.

Урганч Марказий деҳқон бозорига ноқонуний равишда истеъмолга яроқсиз пахта ёғи сотиш билан шуғулланган аёллардан яна бири — Санамжон Сапаевадир. У ўз уйида истеъмолга яроқсиз пахта ёғини елим идишларга қадоклаб, деҳқон бозорига сотиб келган. С.Сапаева 116 литр пахта ёғини муомалага киритаётганда унинг ноқонуний фаолиятига чек қўйилди.

Ҳар иккала ҳолат юзасидан жиноят иши кўзгатилиб, суд ҳукми билан жазо муқаррарлиги таъминланди.

Юртдошларимизнинг арзониغا учиб, ишлаб чиқарувчиси номаълум бўлган, ярқилки мuddати кўрсатилмаган, сифат сертификати эга бўлмаган маҳсулотларни харид қилишлари ачинарлидир. Зеро, халқимизда "арзоннинг шўрваси татимас" деган мақол бор.



Ҳар биримиз истеъмолчи сифатида табиатнинг бебаҳо неъматлари — сув, табиий газ, электр энергияси сингари ресурслардан фойдаланамиз. Турмуш фаровонлигимизни таъминлашда муҳим омил бўлган табиий бойликлар катта маблағлар эвазига етказиб берилиши барчамизга маълум. Шу боис ҳам уларнинг қадрига етиш, исрофгарчиликка йўл қўймайлик, шунинг баробарида фойдаланганимиз учун тўловларни ўз вақтида амалга ошириш ҳар бир истеъмолчининг бурчидир.

Аслида, истеъмолчи ва таъминотчи муассасалар ўртасидаги муносабатлар бир қатор ҳукумат қарорлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинган. Бугун республикада истеъмолчиларга етказиб берилаётган электр энергияси ва табиий газ учун тўловлар ундирилишига доир чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, унинг ижроси долзарб бўлиб турган бир вақтда жойлардаги коммунал тармоқ ходимларининг ўз вазифаларига масъулиятсизлик билан

қараб, қарздорликни ундириш ўрнига истеъмолчилардан тамағирлик йўли билан пора олиш ёки бошқа кўринишдаги ҳолатларни ҳам содир этаяётганини қандай изохлаш мумкин.

Бозорбой Яминов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) Хоразм вилоятидаги туманларнинг бирида газ назоратчиси лавозимида ишлаб келиб, фуқаро Ҳамид Сўфиевнинг табиий газдан бўлган қарздорлигини йўқотиб бериш эвазига 300 минг сўм, газ тармоғига қайта уланishi учун эса 44 минг сўм

жами 344 минг сўм пулларни Х.Сўфиевнинг турмуш ўртоғидан алдаш йўли билан олади.

Шундан сўнг у ушбу пулларнинг бир қисмини филиал мутасассиси ва бош ҳисобчисига пора тариқасида бермоқчи бўлади, улардан рад жавобини олгач ҳам қарздорликни бартаараф этиш чораларини кўрмасдан юраверди. Сўнгра, 300 минг сўм пулни хонадан соҳибларига қайтариб бераётган вақтида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари томонидан ушланди.

Тергов даврида Б.Яминовнинг яна бир фуқаро Ш.Бахлиевдан ҳам газ тўлови учун деб 600 минг сўм пул олиб, ушбу пулларни филиалга топширмагани ва ҳеч қандай қвтанция бермагани маълум бўлди.

Бундан ташқари, Б.Яминов жами 95 та ҳолатда истеъмолчилар ҳисобига 27 млн.

Мухаммад АЗИМОВ, Бoш прокуратура хузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаменти бўлими катта инспектори

179 минг сўмлик қарздорликни ҳеч бир асослар мавжуд бўлмаган ҳолда юклаб, фуқароларнинг қонун билан қўриқилмаган манфаатларига жиддий зарар етказилишига сабабчи бўлган.

Маълумки, ҳар қандай жиноий қилмиш учун жазо муқаррар. Қонунбузар Б.Яминовга ҳам суд ҳукми билан тегишли жазо тайинланди.



Нодирбек анчадан буюн аскар бўлишни, шонли армиямиз сафларида хизмат қилишни орзу қиларди. Ўртоқларига ниятини айтган эди улар устидан кулишди.

Аскар бўлиш «шарти»

Шерали КЕНЖАЕВ, СВОЖЖДЛҚК департаментининг Жиззах вилоят бошқармаси бошлиғи ўринбосари

— Бунинг орзусини қаранглар, ҳозир "гаплашмасанг" натижаси бўлмайди.

"Аскаржон, қани бир кетиб кўрингчи?", деган ўртоқларининг гапларини эшитиб, бироз тушунлиққа тушган йигит амакиси Толибжон Абдуалиевга учрашди. Ниятини айтди.

— Жиян, шошмай тур, ўртоқларининг гапига кўп ҳам ишонаверма, мен бир "военкомат"га борай-чи.

Толибжон ака туман мудофаа ишлари бўлимига келиб, шу ерда ишловчи фуқаро Камол Турановга учрашди.

— Жияним армияга бормоқчи эди, нима қилса бўлади.

Ҳарбий хизматчи унга Қуролли Кучлар сафига қабул қилиниш шартларини тушунтириш ўрнига, аксинча Толибжон аканинг юрагига гўлгула солиб қўйди.

— Ҳозир кўнчили йигитлар армияга боришни орзу қилишади. Талабгор жуда кўп...

— Унда бирор йўл-йўриқ кўрсатинг.

— Майли, сизга ёрдам бераман, 700 АҚШ доллари олиб келасиз, — деди овозини пасайтириб мақсадга кўчган Камол. Толибжон ака Нодирбекка ҳолатни тушунтирди.

— Мен розиман, армияга кетсам бўлди, ота-онамга айтаман, фақат ўзингиз кириб ўша одамни "рози" қилиб чиқасиз.

Толибжон ака рози бўлди. Эртаси куни 300 АҚШ доллари ва икки кун ўтиб 200 АҚШ долларини Камолга бериб кетди. Бир неча кундан кейин Камол Толибжон акага кўнғироқ қилиб, кўришишларини айтди. Учрашганда Камол Туранов:

— Сиз берган пулларни "юқоридаги"ларга бердим. Энди яна 900 доллар берасиз, бўлмаси иш битмайди, — деди.

Унинг бу тамағирлигидан жаҳли чикқан Толибжон ака ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ариза билан мурожаат қилди.

Тадбир давомиди Камол Туранов ундан 400 АҚШ доллари олаётган пайтда ашёвий далил билан ушланди.

Суд Камол Турановга қилмишига яраша жазо тайинлади.

Нафс йўлдан оздирди

Надомат ва афсус хатони тузатмайди. Буни Пешку тумани Хуррам қишлоғида яшовчи Зиёвдин Жўраев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) бошидан ўтказаяпти. У ички ишлар ходими сифатида формакийиб қишлоғига кириб келганида катта-кичик, қўни-қўшнилар ҳавас қилишган эди.

Пешку туман ички ишлар бўлими ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлиминининг озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этиш инспекцияси катта инспектори лавозимида ишлаб келган З.Жўраев жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти Оққўрғон туман судининг ҳукми

Жасур ЭРҒАШЕВ, СВОЖЖДЛҚК департаментининг Бухоро вилоят бошқармаси катта суриштирувчиси

билан айбли деб топилиб, 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган, кейинчалик 2 йил сино муддати тайинланган Т.Самиевни шартли жазодан озод қилиш эвазига унинг қариндоши А.Холиқовдан тамағирлик қилиб пул талаб қилади.

Тама қачиртиканакка ўхшайди. У жароҳат етказган жой огриғи узоқ вақт унутилмайди. Ички ишлар ходими 400 минг сўм пулни А.Холиқовдан олаётган пайтда жиноят устиди қўлга олинди.

Жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят суди З.Жўраевга нисбатан ҳукм чиқарди. Унга биноан З.Жўраев 6 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Бемехр она

Фарзанд инсон учун энг бебаҳо неъмат эканини яхши биламиз. Аммо куч-ғайрати бўлиб турган ота ёки гўёки турмуш ташвишларидан безган онанинг арзимас пулга ўз норасидасини сотганини ҳеч бир мезонга сизга олмаймиз.

Фахриддин ЭШМАТОВ, СВОЖЖДЛҚК департаментининг Бобўвут туман бўлими бошлиғи

Фуқаро Санобар Алимжанова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳомиладорлигини билган, онаси Мухаббат Рўзиева ва тоғаси Хурсандбек Босимов билан жиноий тил бириктириб, туғилажак фарзандини сотиш режасини тузади. Кейин эса фуқаро Назифа Олимовани миждоз сифатида топиб,

унга тоғаси Х.Босимовнинг кўрсатмаси билан болани 22 млн. сўмга сотишга келишади.

2015 йилнинг июль ойида С.Алимжанованинг кўзи ёрийди, қиз туғилди. Афсуски, она чақалоқ туғилганидан эмас, балки мўмай пул эвазига уни янги ота-оналарнинг кўлига топшириш куни акинлигидан хурсанд эди.

Шукурки, бемехр она ва қариндошларининг хурсандчиликлари узоққа бормади.

С.Алимжанова келишув бўйича фарзандини Гулистон шаҳрида Н.Олимовага 22 млн. сўмга сотаётган вақтда тезкор ходимлар томонидан қўлга олинди.

Суд томонидан қонунбузарларга нисбатан тегишли жазо тайинланди.

Фаолиятига чек қўйилди

Йигит кишига қирқ хўнар ҳам оз, дейди доно халқимиз. Аммо хўнар ўрганиб, оиасини ҳалолат меҳнат билан боқиш ўрнига мўмай даромад илнжидла ноқонуний фаолиятни ўзига касб қилиб, нафсига асир бўлганлар ҳам топилади.

Аҳбор МЕЛИКУЛОВ, СВОЖЖДЛҚК департаментининг Нуробод туман бўлими бошлиғи

СВОЖЖДЛҚК департаментининг Нуробод туман бўлими томонидан Нуробод шаҳрида ўтказилган тезкор тадбирда Фуқрат Абдуллаевнинг ҳам ана шу тоифадаги кимсалардан эканлиги аниқланди. У енгил даромад топши мақсадида фуқаро Исломбек Воҳидовдан 1000 АҚШ долларини сотиб олаётган вақтида ушланди.

Шунингдек, Фуқрат Абдуллаевдан 500 АҚШ доллари ва 23 млн. 150 минг сўм пул маблағлари тегишли тартибда ҳислар иштирокида ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Суд қонунбузарга тегишли жазо тайинлади.

Муборакбод этамиз!



Прокуратура органлари тизимида кўп йиллар самарали фаолият юритган прокуратура фахрийси Илҳом Акрамов табаррук 70 ёшни қарши олмақда.

У меҳнат фаолияти давомида суд ва прокуратура органлари тизимида самарали меҳнат қилди. И.Акрамов прокуратура тизимидаги дастлабки фаолиятини Чуст туман прокурори ёрдамчиси лавозимидан бошлаб, Янгикўрғон

туман прокуратурасида терговчи, Наманган вилоят прокуратураси бўлим прокурори, Наманган туман прокурори, собиқ Калинин (ҳозирги Зангиота) ҳамда Тошкент туман прокуратураларида терговчи, Бош прокуратурада бўлим

прокурори лавозимларида хизмат қилиб, умрини эл-юрт тинчлиги ва оқсоқлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга бахшида этиб, жамоатчилик эътиборига сазовор бўлди.

Меҳнатсеварлиги, кўп йиллик амалий иш тажрибаси, тегаран билими, самимиёлиги билан ҳамкасбларининг ҳурмат ва

эътиборини қозонди. Илҳом Акрамовнинг садоқат ва матонат билан қилган меҳнатлари прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳолалиб, бир неча мартаба рағбатлантирилган.

Ҳурматли Илҳом Акрамов, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга мустақкам соғлиқ, узок умр, оилавий тотувлик, хонадонингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака, дастурхонингизга тўкилик тилаймиз!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази

Серена Уильямс жаримага тортилди

Сайёрамизнинг биринчи рақамли теннис маликаси Серена Уильямс 10 минг фунт стерлинг миқдордаги молиявий жаримага тортилди.

Америкалик теннисчи "Уимблдон" турнирининг учинчи даврасида спортга хос бўлмаган хатти-ҳаракатни амалга оширган. 34 ёшли Серена ҳамюрти Кристин Макхейлга қарши кечган учрашувда ракеткасини синдиради ва уни ортига улоқтиради.

Синган ракетка эса беҳосдан операторга бориб теккан эди. Тартиб-интизом кўмитаси Серенанинг бу ҳаракатини жазосиз қолдирмади. Бундан ташқари, сербиялик Виктор Троицки ва британиялик Хизер Уотсонлар шу каби ҳаракатлари учун ҳам мос равишда 10 ва 12 минг фунт стерлинглик жаримага тортилди.



Ван Перси «Шандон Лунен»га ўтиши мумкин

Хитой Супер лигаси вакили "Шандон Лунен" клуби "Манчестер Юнайтед" ва "Арсенал" жамоалари собиқ ҳужумчиси Робин ван Персига қизиқиш билдирапти.

Голландиялик футболчи ҳозир Туркиянинг "Фенербахче" клуби шарафини ҳимоя қилапти. У турк клубида ўтказган 48 учрашувда 22 та гол урган.

Маълумотларга кўра, ван Перси Хитой клубида ўйнашга тайёр. Аммо ҳозирча "Шандон Лунен" жамоаси футболчи борасида "Фенербахче" клубига таклиф юборгани йўқ. Туркия клуби ван Персини 12 млн. еврога баҳолапти.

Япониялик ҳужумчи «Арсенал» футболчисига айланди

Япониянинг "Санфречче Хиросима" клуби ҳужумчиси Такума Асано фаолиятини "Арсенал" жамоасида давом эттиради, деб хабар бермоқда "тўпчилар" расмий сайти. 21 ёшли футболчи тиббий кўрикдан ўтганидан сўнг шартномага имзо чекади.

"Такума иқтидорли ёш форвард ва унинг келажаги бор" — дейди "Арсенал" клуби устози Арсен Венгер.

Ҳозирча трансфер нархи ва шартнома мuddатлари ҳақидаги маълумотлар ошкор этилмапти.

Эслатиб ўтамиз, Асано 2015 йилда "J-League"нинг (Япония чемпионати) энг яхши ёш футболчиси, деб топилган эди.



«Реал» Льорисга харидор

Англиянинг "Тоттенхэм" клуби дарвозабони Уго Льорис фаолиятини Испанияда давом эттириши мумкин.

The Mirror хабарига кўра, 26 ёшли посбонга Мадриднинг "Реал" жамоаси қизиқмоқда. Мадридликлар уни Кейлор Навасга ўринбосар сифатида кўришмоқда.

Франциялик дарвозабоннинг трансфер нархи 35 миллион евро туради, унинг "Тоттенхэм" жамоаси билан шартномаси 2019 йилгача тузилган.

Мата «МЮ»ни тарк этади

Испания терма жамоаси ярим ҳимоячиси Хуан Мата яқин вақт ичида клубини ўзгартириши мумкин. Гарчи у жамоада асосий футболчилардан бўлса-да, Жозе Моуриньо таркибни янгиллаш кутиламоқда.

The Mirror тарқатган хабарга кўра, Мата португалиялик мутахассис билан келиш олишига кўзи етмаяпти. Бундай ҳолат "Челси" клубида ҳам кузатишган. Энди эса "МЮ"да юз бериши мумкин. Агар воқеалар шундай ривожланидиган бўлса, Хуан Мата расмий таклиф билан чиққан "Эвертон" клуби сафига бориб қўшилиши мумкин.


Эслатиб ўтамиз, Мата "Манчестер Юнайтед" клубига 2014 йилнинг ёзида "Челси" жамоасидан келиб қўшилган. Ушунда "қизил биллислар" испаниялик футболчи учун 45 миллион евро тўлашган.



«Ливерпуль» Витцель учун курашмоқда

Россиянинг "Зенит" клуби футболчиси Аксель Витцель яна бир номдор клуб қизиқишлари доирасида.

"Челси", "Эвертон" ва "Наполи" жамоалари ортидан "Ливерпуль" клуби ҳам 27 ёшли бельгиялик футболчиға қизиқиш қолди. Аввалроқ "Зенит" клуби "Эвертон" жамоаси билан футболчининг 30 миллион фунтлик трансфери борасида келишиб қўйганлиги ҳақида хабар қилинганди.



Конте Пеллени ёнига чорламоқда

Англиянинг "Саутгемптон" клуби ҳужумчиси Грациано Пеллега Англия, Италия ва Осиё клублари қизиқиш қолишган.

Францияда ўтаётган Европа чемпионатининг чорак финалида Германияга мағлуб бўлиб, ортига қайтган Италия терма жамоаси бош мураббийи Антонио Конте яқин орада "Челси" клубида иш бошлайди. У терма жамоадаги шогирди билан клубда ҳам бирга ишлаш ниятида. Шу ҳафтада клуб унга таклиф билан чиқади.

Бундан ташқари, Пеллега "Эвертон" клуби ҳам қизиқиш билдирмоқда. Италия томонлардан эса унга "Милан" жамоаси қизиқиш қолган. Шунингдек, Пеллега Хитойнинг "Шанхай Шеньхуа" клуби йилга 15 миллион евро маош таклиф қилмоқда.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖДЛҚК департаментининг Тошкент вилоят бошқармаси жамоаси департаментнинг Чирчик шаҳар бўлими бошлиғи Шавкат Раҳматовга падари бузруквори

Туракул отанинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Нуқуқ

yuRIDIK gazeta
Muassis:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir:

Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:

Hakimboy HALIMOV Baxtiyor NAZAROV
Gulnoza RAHIMOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)
Kamoliddin ASQAROV (mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:

Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,

Faks: 233-10-53,

233-64-85

E-mail:

nuquq@nuquq-gazeta.uz

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi. Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqdir qilinmaydi va egalariга qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan fargalanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
□ — tijorat material.
Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'rsatkichi 231

Buyurtma s-6423. 38 979 nusxade bosildi. Oqoz bichimi A-3, hajmi 3 bosma toboq. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terikdi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi. Navbatchi muharrir: M.DUSIYAROVA Sahifalovchi: S.BABA JANOV Navbatchi: O'.DEHQONOV Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00. Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta «O'zbekiston» nashriyat matbaa ijodiy uyida chop etiladi. Korxonada manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbaat va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617

